Иқтисодий–ҳуқуқий газета

N 10 (191) • 2009 йил 27 февраль

НОРМА МАСЛАҲАТЧИ

СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ
ҲУҚУҚ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган

«СБХ» газетаси билан биргаликда тарқатилади.

Инфратузилма

# КОНСАЛТИНГ РИВОЖЛАНИШИГА КЎМАКЛАШИБ

***Бугунги кунда бозор технологиялари жадаллик билан ривожланмоқда, уларнинг янгилари пайдо бўлмоқда. Бироқ истеъмолчиларнинг эҳтиёжлари бундан ҳам жадал ўсиб боряпти. Ана шу мураккаб вазиятда ўзларининг рақобатбардошлигини сақлаб қолишга интилиб, компания ва фирмалар бошқарув стратегияси ва тактикасини доимий равишда ўзгартиришларига тўғри келмоқда. Афсуски, уларда ҳар доим ҳам ўз кучлари билан ўзгараётган шароитларга ўз вақтида ва тезкорлик билан муносабат билдириш имкониятлари етавермайди. Шу сабабли уларга кўпинча бизнесга доир маслаҳатлар беришга ихтисослашган консалтинг компанияларининг хизматларига мурожаат қилишга тўғри келади.***

***Бундай хизматларга талабнинг ошаётганлигини ҳисобга олиб, Япония ҳукуматининг молиявий мададида амалга оширилаётган ва Ўзбекистонда консалтинг бозорини ривожлантиришга ёрдам кўрсатаётган ЕТТБ Амалий маслаҳатлар дастури (BAS Programme) 2009 йилнинг 16-19 февралида Халқаро бизнес марказида Ўзбекистон, Қирғизистон ва Тожикистоннинг тажрибали маслаҳатчилари ва бизнес тренерлари учун тренинг ўтказди.***

Бундан аввал инглиз тилида сўзлашувчи иштирокчилар танлов асосида танлаб олинди. «**Консалтинг соҳасидаги муҳим кўникмалар»** тренингининг муаллифи Elevation Learning компанияси (Буюк Британия) бўлиб, Европа ва дунёда бошқарув консалтинги соҳасида таниқли амалиётчи ва назариётгаши (ICMCI) талабларига мувофиқ ишлаб чиқилган.

Минтақанинг етакчи консалтинг компаниялари ва тренинг марказлари вакили бўлган 14 нафар амалиётчи маслаҳатчи ва тренер танловдан ўтди. Улардан 8 нафари мамлакатимизда рўйхатдан ўтказилган. Иштирокчиларнинг фикри-




чилардан бири бўлган, мазкур компания директори **Роберт Фонтэйн** BAS дастурининг таклифига кўра унинг вакили бўлди.

Бундай даража ва теранликдаги ўқитиш Ўзбекистонда ҳали ўтказилмаган эди. Айтиш жоизки, мутахассислар ўртасида шуҳрат қозонган мазкур ихтисослашган тренинг кўп мамлакатларда, шу жумладан Марказий Осиё республикаларида ҳам ўтказилган. У консалтинг соҳасида маслаҳатчилар учун сертификацион стандартларни белгилайдиган Бошқарув консалтинги бўйича институтлар халқаро кенча, курснинг белгиланган мақсади – маслаҳатчилар ва бизнес-тренерларга консалтингдан дарс бериш ва улар баён этадиган предмет моҳиятининг муҳим жиҳатларини ўқитиш – тўлиқ амалга оширилган. Бу эса қонуний, зеро тренинг залида энг илғор амалиётчи маслаҳатчилар ва бизнес-тренерлар тўрт кун мобайнида маслаҳат бериш усуллари ва қоидалари оламига ғарқ бўлдилар. Тренингнинг ҳар бир босқичи турлича дастаклар ва услубиятлар: консалтинг лойиҳаси таркиби, мижознинг маслаҳатчи билан ўзаро муносабатлари, турли муаммоларни ҳал қилиш, хулосалар ва амалий қарорлар ишлаб чиқиш ва ҳоказолардан фойдаланиш кўникмаларини беришни назарда тутган. Курс тугаллангач, иштирокчилар тренингдан ўтилганлик тўғрисида ICMCI стандартларига мувофиқ келадиган сертификатлар олдилар.

Шуни қайд этиш жоизки, ушбу ихтисослашган курсда таълим олиш туфайли минтақамиз мамлакатлари маслаҳатчиларида тренингнинг мослаштирилган версиясида иштирок этишдек ноёб имконият пайдо бўлди, у бошлов тренинги ҳисобланади, чунки биринчи марта Ўзбекистонда ўтказилди. Жаноб Фонтэйннинг айтишича, BAS дастури бундай тренингларни республикамизда шу йилнинг апрели, июни ва сентябрида ўтказишни режалаштирган. Бу эса куннинг долзарб талабларига жавоб беради, зеро, консалтинг хизматларига талабнинг ўсганлиги ва Ўзбекистонда мазкур бозорнинг ривожланиш суръатларини ҳисобга олганда, ушбу курс алоҳида долзарблик ва аҳамият касб этади. BAS дастурининг маълумотларига кўра, компаниялар ва фирмалар бугунги кунда маслаҳатчиларга ўз бизнесини ривожлантириш ва муаммоларни ҳал қилиш вариантларини ишлаб чиқиш – бизнес режасини тайёрлаш, инвестицияларни жалб этиш, ишлаб чиқаришни қайта таркиблаш, кенгайтириш ва диверсификациялаш, хизматлар доирасини кенгайтириш билан боғлиқ масалаларнинг энг кенг доираси бўйича тез-тез мурожаат қила бошладилар. Консалтингга эҳтиёж айниқса бошқарув қарорларини қабул қилиш услубиятлари ва амалиётларини такомиллаштириш манзарасида кўзга ташланади. Тажрибали маслаҳатчи ҳам нафақат жорий бизнес жараёнларини мақбуллаштиришда, балки истиқбол учун стратегик ва тезкор қарорларни ишлаб чиқишда ҳам ёрдам бериши мумкин.

Тренинг иштирокчиси – **Германия сертификация органи TÜV International Certification (TIC)нинг рўйхатга олинган жамияти TÜV Thüringen e.V расмий ҳамкори «SERT Management» компанияси директори Риад Иброҳимов** бунга қўшилади. Мазкур компания мамлакатимиз корхоналарини ISO-9001 бўйича бошқарув тизимларининг халқаро стандартлари бўйича сертификатлаштириш хизматларини кўрсатиш билан шуғулланади.

У ўзининг компанияси ва олинган кўникмаларни рўёбга чиқариш режалари тўғрисида қуйидагиларни ҳикоя қилди:

*– Бошқарув тизимларини сертификатлаштириш корхоналарнинг экспорт имкониятларини кўпайтириш учун зарур. Президентнинг бир қатор қабул қилинган қарорлари ва фармонлари ана шундан гувоҳлик беради. Хусусан, **«Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»** (2008 йил 28 ноябрдаги ПФ-4058-сон), **«2009 йилда саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури тўғрисида»** (2009 йил 27 январдаги ПҚ-1048-сон), **«Маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»** (2009 йил 28 январдаги ПҚ-1050-сон), **шунингдек Вазирлар Маҳкамасининг «Корхоналарда халқаро стандартларга мувофиқ бўлган сифатни бошқариш тизимларини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»** (2004 йил 22 июлдаги 349-сон), **«Корхоналарда халқаро стандартларга мувофиқ бўлган сифатни бошқариш тизимларини жорий қилиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»** (2006 йил 29 августдаги 183-сон) **ва бошқа қарорлари.***

*SERT Management нинг халқаро стандартлар бўйича бошқарув тизимларини сертификатлаштириш фаолиятини бизда «Ўзстандарт» агентлиги 2006 йил 29 декабрдаги 9-сон Битим ва «Ўзстандарт» агентлигининг 2007 йил 12 мартдаги UZ. AMT. MAI. 007-сон аккредитацияси асосида ваколатлаган.*

*Халқаро қоидаларга мувофиқ бизнинг компаниямиз сертификатлаштириш органи сифатида корхоналарга ISO-9001 ни жорий этиш бўйича маслаҳат бера олмайди. Бу билан Ўзбекистонда «MS Consult», «SMS Systems», «Alfakon Systems», «Triada Consulting», «Sifat Konculting» ва бошқа ихтисослашган консалтинг компаниялари шуғулланади.*

*Корхоналарни сертификатлаётганда биз уларнинг тайёргарлик даражаси, бошқарув тизимлари ва уларга юқорида айтилган компаниялар тақдим этган консалтинг хизматларининг сифати тўғрисида яхши тасаввурга эгамиз. Тренингда олинган билим ва кўникмалар бизга Ўзбекистон корхоналарида ISO-9001 бўйича бошқарув тизимларини ишлаб чиқиш ҳамда жорий этиш билан шуғулланадиган барча консалтинг фирмаларининг мутахассисларини ўқитиш имконини беради. У консалтинг лойиҳаларининг самарадорлигини ошириш имконини беради, маслаҳатлар сифатини яхшилайди ва маслаҳатчилар кўникмаларини оширади.*

*Фикримизча, бўлиб ўтган тренинг Ўзбекистонда маслаҳатлар беришни такомиллаштиришга яхши кўмак беради, бу эса пировардида мамлакатимиз корхоналарини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришга таъсир кўрсатади.*

Тренингнинг барча иштирокчилари унинг ўз ишлари учун аҳамияти катталигини таъкидлаганликларини айтиш лозим. **Тожикистон Республикасининг «Бошла ва бизнесни такомиллаштир» дастури Тренерлар миллий уюшмасининг мувофиқлаштирувчи тренери Баҳриддин Шерметов,** консалтингнинг аҳамияти хусусида сўзларкан, шундай деди: «*Мамлакатимиз бизнесини юритишнинг хусусияти мақсаддир, мақсад эса – ўсиш. Бироқ бунинг учун янада кўпроқ ишлашдан ташқари яна нималар қилиш лозимлигини баъзилар тушунмайдилар. Бошқача айтганда, тадбиркор ички сезги ва ҳис-туйғуларга таянган ҳолда фақат ўз ақл-идроки билан ҳаракат қилишни афзал кўради. Бироқ замонавий бизнесда бундай интилиш жуда кўп ҳолларда хатарли якунланиши мумкин. Шу боис, бугунги кунда ҳали кўпгина бизнес вакиллари профессионал консалтингнинг қийматини англаб етмаганликлари жуда афсусли ҳолдир*».

**Ирина Шокирова, бизнес-тренер:** «*Ташкилотчиларга катта раҳмат. Тренинг фойдали бўлди, унда олинган билим ва кўникмаларни яқин орада амалиётда қўллаш ниятидаман. Тренернинг тушунтириши илова қилинган аниқ тавсияларнинг мавжудлигини алоҳида таъкидламоқчиман, бу ҳол тушунишни яхшилаш ва натижани чуқурлаштириш имконини берди*».

**Гулнора Ўрмонова, «Управление предприятием» («Корхонани бошқариш») журналининг бош муҳаррири:** «*Амалий фаолиятда зарур бўладиган кўп қизиқарли ва фойдали нарсаларни билиб олдим. Хусусан, консалтинг лойиҳасини юритиш жараёни, унинг дастакларидан ишнинг кўзини билиб фойдаланиш ва умуман – маслаҳатчи ишининг умумий таркиби тўғрисида*».

## САБОҚДАН ЖУРНАЛИСТЛАР ҲАМ ЧЕТДА ҚОЛИШМАДИ

Фикримча, журналистлар учун ғайриоддий шаклда ўтказилган матбуот анжумани бўлиб ўтган тренингнинг энг яхши

2-бетда

УШБУ СОНДА

1-2-бетлар Малака ошириш курсларида
3-бет Қонун ҳужжатларига қисқа шарҳлар
4-бет Аудиторлик бозори ҳақида
5-10-бетлар Янги қонун ҳужжатлари

$1 = 1408,44 сўм €1 = 1979,56 £1 = 2165,05 сўм ¥10 = 151,67 сўм

INTER PRESS
www.interpress.uz
INTER-PRESS АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ
ОБУНА-2009 ГАЗЕТАЛАР, ЖУРНАЛЛАР, КИТОБЛАР
Bella Terra • Baby Terra • Jannat Makon • 7 дней • Burda • Cosmopolitan • Forbes • Домовой • Glamour • OOPS! • Автомир
Аргументы и Факты • Verena • Вокруг света Вокруг смеха • Все звезды • За рулем • Здоровье • Итоги
• Караван Историй • Клаксон • КоммерсантЪ • Крестьянка • Лиза • Огонек • Отдохни! • Совершенно секретно
тел./факс: (99897) 119-0000 155-0955
Тошкент ш., Навоий кўч., 13

# КОНСАЛТИНГ РИВОЖЛАНИШИГА КЎМАКЛАШИБ

1-бетда

қисми бўлди. Уни тренингнинг мини-блоки деб аташ мумкин, чунки жаноб Фонтэйн ва BAS дастури вакиллари саволларга жавоб беришдан аввал мазкур мавзуда ўзига хос маҳорат синфи дарсини ўтказдилар.

Хусусан, бошқарув консалтинги устози ўз компанияси мисолида консалтинг нималигини оммабоп қилиб тушунтирди. Маълум бўлишича, у хизматлар соҳасида бутун бир йўналиш экан. Консалтинг компаниялари нималар билан шуғулланишини аниқ ажратиб кўрсатиб бўлмайди, зеро маслаҳатлар бериш соҳаси анча кенгдир. Мисол учун, Роберт Фонтэйннинг ўзи компания вакили сифатида Париж университетида шахслараро муносабатлар бўйича курсни олиб боради ҳам. Турли компаниялар мавжуд: уларнинг баъзилари ўз фаолиятини бизнеснинг фақат бир соҳасида юритади, бошқалари, масалан, Elevation Learning сингарилари эса консалтингнинг амалда мумкин бўлган барча йўналишлари билан шуғулланадилар. Шу сабабли консалтингни аниқлашнинг турли талқинлари ҳам мавжуд. Умуман олганда, у – асосий вазифаси предмет соҳаси ва мижоз муаммоларини ҳисобга олган ҳолда илмий-техника ва ташкилий-иқтисодий инновацияларни ривожлантириш ва улардан фойдаланиш истиқболларини таҳлил қилиш, асослашдан иборат бўлган интеллектуал фаолият туридир. Унинг вазифаси – компанияларга иқтисодий, молиявий, бошқарув, инвестиция, маркетинг сингари соҳаларда, унинг фаолиятини режалаштириш, мақбуллаштириш, бизнес юритишда ва бошқа соҳаларда ёрдам кўрсатишдан иборат.



Халқаро эксперт қандай ҳолларда маслаҳатчининг ёрдами зарур бўлишини ҳам содда қилиб тушунтирди. Чунончи, ҳозирги пайтда жаҳондаги иқтисодий воқелик боис корхонани инқироздан чиқариш бўйича консалтинг хизматларига мурожаат қилиш кенг тус олди. Бу ҳолда мутахассислар фирмада юзага келган вазиятни кўриб чиқадилар ва муаммоли аҳволдан чиқиш учун йўналишни кўрсатадилар. Бироқ шундай савол туғилади: агар у амалда компания билан таниш бўлмаса, четдан келган киши қандай қилиб ёрдам бериши мумкин? Гап шундаки, консалтинг бўйича мутахассис вазиятни холисона ва ҳар томонлама баҳолаш имкониятига эгадир, зеро у тобе ходим сифатида компания раҳбарига боғлиқ эмас, хизматчилар поғонасида муайян жойни эгалламайди, муассис сифатида унга маблағ қўймаган. Бундан ташқари, маслаҳатчи ушбу соҳада амалий тажрибага эга, бу унга муайян афзаллик беради: муаммоларнинг ўзига хос хусусиятларини билади ва уларни самарали ҳал этиш кўникмаларига эгадир.

Шубҳасиз, ташкилот жадал ўсаётган, бироқ бошқарувнинг бутун тизимини мустақил равишда қура олмайдиган ҳолда ҳам консалтинг компаниясига мурожаат қилиш фойдали бўлади. Албатта, маслаҳат берувчи ўз зиммасига маълум масъулият олади – акс ҳолда унинг сўзларига қулоқ солинмас эди. Маслаҳатчи берган маслаҳати учун ўз обрў-эътибори билан жавоб беради. Бироқ у ўзининг тавсияларидан кейин қабул қилинган қарор учун, алалхусус, унинг ижроси учун тўлиқ жавобгар бўла олмайди. Қарор қабул қилиш бошқарув демакдир, бу эса бутунлай бошқа нарса.

Консалтинг хизматлари бозорини ривожлантириш тўғрисида сўзлаганда Роберт Фонтэйн таъкидладики, у мамлакатни индустриялаштириш даражасига боғлиқдир. Бу даража қанчалик юқори бўлса, консалтингга эҳтиёж ҳам шунчалик кучли бўлади. Айтиш лозимки, мен учун консалтинг соҳасида бундай нуфузли шахс билан норасмий ва муфассал мулоқот ғоятда фойдали бўлди.



Мамлакатимизда консалтингнинг ривожланиши ва ЕТТБ Амалий маслаҳатлар дастури тўғрисида BAS дастурининг Ўзбекистондаги миллий директори Назар Толибжонов қисқача ахборот берди. BAS дастури 18 мамлакатда бизнес масалалари бўйича амалий маслаҳатлар бериш воситасида хусусий корхоналар ривожланишини рағбатлантириш мақсадида амалга оширилмоқда. Дастур Ўзбекистонда 2001 йилда очилган ҳамда Япония ҳукуматининг қўллаб-қувватлаши билан Европа тикланиш ва тараққиёт банки фаолияти доирасида амалга ошириляпти. BAS дастури хусусий кичик ва ўрта корхоналарга улар олдига қўйилган ривожланиш ва ўсиш мақсадларига эришишда ёрдам бериб, мазкур корхоналар янги бозорларга чиқа олишлари, ўз фаолиятлари ва маҳсулот сифатини яхшилашлари, ишлаб чиқариш харажатларини камайтиришлари, молияланишга имкон топа олишлари, шунингдек ўз бизнеслари келажагини режалаштиришлари учун профессионал бизнес маслаҳатчиларининг хизматларини ҳам тақдим этмоқда.

BAS дастури республикада бир ойда ўртача 5-10 та консалтинг лойиҳасини бошлаб беради. Бундан ташқари, у маслаҳатчиларнинг малакасини ошириш билан шуғулланади, бугунги кунда Ўзбекистоннинг 88 компаниясининг малакаси қайтадан оширилди. Ушбу хизматлар соҳасига алоҳида аҳамият берилмоқда. Касбий кўникмаларни ошириш учун халқаро экспертларни жалб этган ҳолда тренинг ва семинарлар ташкил этилмоқда. Чунончи, ўтган йилнинг февралида маслаҳатчилар учун Профессионал бизнес маслаҳатчилари мактаби (Россия) раҳбари Владимир Чернявский раҳбарлигида «Мижоз ташкилотининг ташхиси ва маслаҳатлашув лойиҳасини бошқариш» курси ўтказилди. Истиқболда BAS дастури яна бир қатор шу сингари тадбирларни ўтказишни режалаштирмоқда.

*Гулнора АБДУНАЗАРОВА.*

• РЕКЛАМА

ЎзЭКСПО МАРКАЗ
Тошкент
Ўзбекистон

worldfood
UZBEKISTAN

9-нчи Ўзбек халқаро КЎРГАЗМАСИ

25-27 март 2009

ОЗИҚ-ОВҚАТ САНОАТИ ва ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ

Ташкилотчи:
ITE UZBEKISTAN 15 years
Тел. +(998 71) 113 01 80, факс +(998 71) 252 51 64
E-mail: post@ite-uzbekistan.uz Web: www.ite-uzbekistan.uz

Расмий очилиш маросими
2009 йил 10 март соат 11.00 да

Кўргазманинг ишлаш вақти:
25 март, 11.30 – 18.00 | 26 март, 10.00 – 17.00
27 март, 10.00 – 16.00

ufi Member

Guvohnoma № 3583

## ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН ҚИЙМАТИ

*Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2009 йил 24 февралдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)*

| | | | |
|---|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | 914,50 | 1 Малайзия ринггити | 384,50 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 2165,05 | 1 Польша злотийси | 385,72 |
| 1 Дания кронаси | 244,16 | 1 СДР | 2077,80 |
| 1 БАА дирҳами | 383,67 | 1 Туркия лираси | 827,52 |
| 1 АҚШ доллари | 1408,44 | 1 Швейцария франки | 1224,30 |
| 1 Миср фунти | 253,20 | 1 ЕВРО | 1979,56 |
| 1 Исландия кронаси | 12,61 | 10 Жанубий Корея вони | 9,47 |
| 1 Канада доллари | 1130,55 | 10 Япония иенаси | 151,67 |
| 1 Хитой юани | 206,11 | 1 Россия рубли | 39,04 |
| | | 1 Украина гривнаси | 182,91 |

**) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

## МДҲ ВА БОЛТИҚБЎЙИ МАМЛАКАТЛАРИ ВАЛЮТАЛАРИНИНГ АҚШ ДОЛЛАРИ, ЕВРО ВА РОССИЯ РУБЛИГА НИСБАТАН КУРСЛАРИ

| Мамлакат | Сана | АҚШ доллари | | Евро | | Россия рубли | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | бирлиги | курси | бирлиги | курси | бирлиги | курси |
| Озарбайжон | 24.02.2009 | 1 | 0,8053 | 1 | 1,0249 | 1 | 0,0223 |
| Арманистон | 24.02.2009 | 1 | 305,69 | 1 | 390,86 | 1 | 8,49 |
| Беларусь | 25.02.2009 | 1 | 2840,00 | 1 | 3622,42 | 1 | 78,83 |
| Грузия | 24.02.2009 | 1 | 1,676 | 1 | 2,1672 | 1 | 4,6457 |
| Қозоғистон | 25.02.2009 | 1 | 150,19 | 1 | 191,46 | 1 | 4,18 |
| Қирғизистон | 21.02.2009 | 1 | 40,9251 | 1 | 51,4715 | 1 | 1,1344 |
| Латвия | 24.02.2009 | 1 | 0,544 | 1 | 0,702804 | 1 | 0,0152 |
| Литва | 25.02.2009 | 1 | 2,7086 | 1 | 3,4528 | 10 | 7,5234 |
| Молдова | 24.02.2009 | 1 | 10,6101 | 1 | 13,6149 | 1 | 0,2953 |
| Тожикистон | 24.02.2009 | 1 | 3,7346 | 1 | 4,7275 | 10 | 1,0659 |
| Ўзбекистон | 24.02.2009 | 1 | 1408,44 | 1 | 1979,56 | 1 | 39,04 |
| Украина | 24.02.2009 | 100 | 770,00 | 100 | 985,446 | 10 | 2,1344 |
| Эстония | 24.02.2009 | 1 | 12,1579 | 1 | 15,6466 | 1 | 0,338943 |

*Манба: www.prime-tass.ru*

УШБУ СОНДА:

✓ ИНФРАТУЗИЛМА
– Консалтинг ривожланишига кўмаклашиб
– Валюталарнинг сўмга нисбатан курси *1-2-бетлар*
✓ ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР
– Янги ҳужжатларни тақдим этамиз *3-бет*
✓ АУДИТ
– Ишонч бағишлайдиган хизмат *4-бет*
**ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР**
**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари:**
– «Мамлакатимиз ишлаб чиқарувчилари маҳсулотларининг рақобатбардошлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»;
– «Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг 2009 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида» 2009 йил 29 декабрдаги ПҚ-1024-сон қарори)».
**Идоравий-меъёрий ҳужжатлар:**
– ЎзР МВ, ИВ, ДСҚнинг «Хўжалик юритувчи субъектлар-экспортёрлар томонидан амортизацияни ўрнатилган меъёрдан камроқ ҳисоблаш тартиби тўғрисидаги вақтинчалик низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори;
– ЎзР МВ, ИВ, ДСҚнинг «Дивиденд тарзидаги даромадларни солиқ солишдан озод этиш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори;
– ЎзР ДМҚ ҳузуридаги ҚҚБФМНҚМ, МБ бошқарувининг «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эл валютасидаги қимматли қоғозлар муомаласи, резидентлар томонидан чет эл валютасидаги қимматли қоғозларни сотиб олиниши, шунингдек резидентлар чиқарган қимматли қоғозларнинг норезидентлар томонидан сотиб олиниши тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги қарори.
**Меъёрий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2009 йил 31 январдан 6 февралгача бўлган маълумот.** *5-10-бетлар*
✓ ПАРДА ОРТИДАН
– Бойишни истасанг… қашшоқона одатлардан халос бўл *11-бет*
✓ top *12-16-бетлар*

# ИШОНЧ АСОСИГА ҚУРИЛГАН ХИЗМАТ

***Бизнесда ривожланишнинг тўғри йўналишини танлаш учун ўз фаолиятининг баъзи хусусиятларини яхши билиш лозим, бунга эса малакали ва мустақил аудитсиз эришиб бўлмайди. Айни аудит қонун талабларига риоя этган, захиралардан оқилона фойдаланган, хўжалик фаолияти хатарининг олдини олиб ва уни камайтирган ҳолда хўжалик операцияларини текширишда ёрдам беради. Мамлакатимиздаги мавжуд тажриба буни сўзсиз тасдиқлайди. Мухбиримиз билан суҳбатда Ўзбекистон бухгалтерлари ва аудиторлари миллий уюшмаси (ЎзБАМУ) Кенгашининг раиси Миновар ТЎЛАХЎЖАЕВА бу ҳақда, шунингдек асосий ютуқлар, мамлакатимизда аудиторлик фаолиятини такомиллаштириш ва ривожлантириш йўллари тўғрисида ҳикоя қилди.***



– Саволларингизга жавоб беришдан аввал ҳар қандай давлат молия бозорининг ҳолати кўрсаткичи ва у фаолият юритишининг энг муҳим омилларидан бири ишбилармонлик ахбороти билан тўлдириш даражаси ҳисобланишини таъкидлашни хоҳлардим. Бунда биринчи навбатда иқтисодий ахборот назарда тутиляпти, унда бухгалтерия ҳисоботи ва корхона молия фаолиятининг кўрсаткичларига устувор аҳамият берилади. Бунда молиявий ахборот ишончли бўлгандагина бозорни у билан тўлдириш мумкин. Фақат ишончли ахборот давлатга унинг ижтимоий-иқтисодий сиёсати ишлаб чиқилаётганида фойдалидир. Аҳолининг кенг қатламларига эса – инвестициялар, хўжалик юритувчи субъектларнинг акциялари ва облигацияларини харид қилиш билан боғлиқ қарорлар қабул қилинаётганида. Унинг ишончли бўлишига мустақил аудиторнинг текшируви ва аудиторлик хулосаси бериши орқали эришилади. Бунда, шубҳасиз, унинг юқори малакали мутахассис бўлиши тақозо қилинади. Шу боис республиканинг сертификатланган бухгалтерлари ва аудиторларини ихтиёрий асосларда бирлаштирган касбий жамоат ташкилотимизнинг мақсадли йўл-йўриқларидан бири, уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан бир қаторда, таълим дастурларини амалга ошириш, консалтинг хизматларини кўрсатиш йўли билан бухгалтер ва аудитор мақомини ошириш ҳисобланади.

***– Миновар Маҳкамовна, ЎзБАМУ касбий бирлашмаси ўзининг фаолият юритиш йилларида ўз салоҳияти ва реал имкониятларини намойиш қилди. Ўзбекистон аудиторлар палатаси билан ҳамкорликда 2008 йилда ҳам мустақил аудит тизимини ривожлантириш ва аудиторлик хизматлари сифатини ошириш учун кўп иш қилинди. Шу ҳақда, шунингдек, сизнингча, энг муҳим ютуқлар тўғрисида ҳикоя қилиб берсангиз.***

– Бухгалтер ва аудиторлар учун 2008 йил ҳукумат томонидан илгари қабул қилинган қарорларнинг амалга оширилиш йили бўлди. Биринчидан, биз уни янги Солиқ кодекси билан бирга ўтказдик, ҳозирдаёқ унинг қабул қилиниши корхоналарнинг ишига қанчалик ижобий таъсир кўрсатганлиги кўзга ташланади. Солиқ органлари билан узундан-узоқ низоларни туғдирган ноаниқликлар ва икки хил маънони формулировкаларга эга бўлган ҳар хил йўриқномалар ва бошқа қонуности ҳужжатлари ўтмишда қолди.

Биз учун иккинчи жуда муҳим қарор 2007 йил баҳорида қабул қилинди ва 2008 йил 1 январдан бошлаб аудиторлар лицензияга доир янада қаттиқроқ талабларга бўйсуниб ишлай бошладилар. Бу нарса аудиторлик ташкилотларига ҳам, уларнинг хизматларидан фойдаланадиган корхоналарга ҳам тааллуқли бўлди. **Президентнинг «Аудиторлик ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш ҳамда улар кўрсатаётган хизматлар сифати учун жавобгарликни ошириш тўғрисида» қарори** *(2007 йил 4 апрелдаги ПҚ-615-сон, бундан кейин – Президентнинг ПҚ-615-сон қарори)* бошлаб берган тармоқни ислоҳ қилиш аудиторлик хизматлари бозорини аниқ таркиблаштириб, уларни кўрсатадиган ташкилотларни уч гуруҳга ажратди. Устав капитали миқдорига, штатдаги аудиторлар ва халқаро бухгалтер сертификатига эга бўлган мутахассислар сонига боғлиқ ҳолда улар у ёки бу аудит турларини амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлдилар.

Аудиторлик ташкилотлари сони салмоқли тарзда – тахминан 2 бараварга қисқарди. Энг заиф ташкилотлар тугатилди, бунинг ҳисобига профессионализм ва аудит сифати умуман олганда ўсди. Мутахассисларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашга нисбатан талаблар кучайди. 2008 йилда республикамизда деярли 1 300 аудиторлик ташкилоти ва 1 200 аудитор ишлади, улар, сон жиҳатидан қисқаришларига қарамай, мажбурий аудитда ва ташаббусли аудиторлик текширувларида бозор эҳтиёжларини тўлиқ қондиришга муваффақ бўлдилар.

2008 йил май ойида биз Аудиторлар палатаси билан ҳамкорликда «Аудит рейтинг» МЧЖ рейтинг агентлигини ташкил қилдик, октябрда эса жамоатчилик кенгаши кузатувида аудиторлик ташкилотларининг республикамиздаги биринчи рейтинги якунларини чиқардик. Унда 2007 йилда фаолият юритган ва 2008 йил 1 майдаги ҳолат бўйича аудиторлик текширувларини ўтказишга давлат лицензияси бўлган 93 та, (шу жумладан халқаро) ташкилотлар иштирок этди. Очиқ-ошкор рейтинг тизими бўлғуси буюртмачига бозор иштирокчиларининг малакаси, уларнинг обрў-эътибори, ёндашувда мослашувчанлиги ва нархларнинг мақбул даражадалигини янада холисона баҳолашда ёрдам бериши керак.

Ўтган йили қабул қилинган, соҳамизга жуда ҳам жиддий тарзда дахл қиладиган қонунчилик янгиликлари сирасида **Президентнинг «Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» Фармонини*** қайд этган бўлар эдим. У – жуда яхши ва тўғри ҳужжат.

Бироқ яқин истиқболимизда мураккаб бир вазият кўзга ташланяпти. Акциядорлик жамиятлари – мажбурий аудитга тортиладиган ташкилотлар сони анчагина камайиши муносабати билан аудиторларнинг фаолият майдони бир муддатга қисқариши муқаррар. Бошқа томондан эса, талабнинг пасайиши бозордаги рақобатни янада фаоллаштириши аниқ ва, охир-оқибатда, умуман аудит даражасининг ошишига имкон яратади. Бунда мижознинг манфаатларини янада синчиклаб ҳисобга оладиган, бизнес муаммоларини кенг қамровли очишга эътиборни кучайтирадиган, тармоқнинг ўзига хос жиҳатларига чуқур кириб борадиган, хилма-хил хизматлар доирасини тақдим этадиган, бунга солиқни режалаштириш, қўшилиш ва ютиб юборишлар бўйича битимларни кузатиш, молия ҳисоботини халқаро стандартларга ўтказиш ва ҳоказолар киради, ташкилотлар ютади.

Умумдавлат аҳамиятига эга бўлган бошқа воқеалар сирасида, биринчи навбатда, Навоий вилоятида эркин индустриал-иқтисодий зона ташкил этилганлигини айтиш керак. Фикримизча, ЭИИЗ учун ушбу минтақани танлаш бежиз бўлмаган. Жаҳон молиявий инқирози тақозо этган, дунёда инвестициялар фаоллиги бир қадар секинлашганлигига қарамай, иқтисодий келажагимизга таъсир қилиши нуқтаи назаридан олганда бу, шубҳасиз, – йилнинг энг шонли воқеаси!

***– Мамлакатимиз аудити шаклланишида тегишли меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштириш катта аҳамият касб этади. Ҳозирги пайтда унинг ҳолати тўғрисида билмоқчи эдик.***

– Аудиторлик фаолиятининг пойдеворі, шубҳасиз, **«Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонун** *(2000 йил 26 майдаги 78-II-сон Қонун таҳририда)* ҳисобланади. Меъёрий базани шакллантиришнинг муҳим жиҳати бўлиб аудитни ташкил қилиш ва амалга ошириш, унинг сифатини баҳолаш, аудиторларни тайёрлаш ва уларнинг малакасини баҳолаш, шунингдек стандартларни амалиётга жорий этишнинг умумуслубий асоси сифатида аудиторлик фаолияти миллий стандартлари (АФМС)ни ишлаб чиқиш ва уларнинг янгиларини тасдиқлаш ҳамда амалдагиларини такомиллаштириш ҳисобланади. «Аудиторлик стандарти» атамасида аудиторлар текширувларни амалга ошираётганда уларнинг барчаси риоя қилиши керак бўлган асосий мезонлар, қоидалар ва таомилларнинг тавсифи тушунилади.

Ўтган йиллар ичида Молия вазирлиги томонидан жами 21 АФМС ишлаб чиқилган ва Адлия вазирлиги томонидан рўйхатдан ўтказилган. Уларда халқаро аудиторлик стандартларининг руҳига мувофиқлик кузатилади. Маъқулланган стандартларни асосий деб ҳисоблаш мумкин. Улар орасида: 70-сон «Аудиторлик ҳисоботи ва молиявий ҳисобот тўғрисида аудиторлик хулосаси», 90-сон «Аудиторлик ташкилотларининг касбга доир хизматлари», 24-сон «Молиявий ҳисобот бузиб кўрсатилганлигини аниқлаш пайтида аудиторнинг ҳаракатлари», 31-сон «Хўжалик юритувчи субъект фаолияти билан танишув» ва бошқалар бор.

Меъёрий базамизни халқаро даражага имкони борича яқинлаштириш мақсадида республикада мамлакатимиз аудит стандартларининг кейинги қисми устида ишлаш давом эттирилмоқда. Ҳозирги вазият шундайки, уларда ўз ифодасини топиши керак бўлган айрим муаммоли жиҳатлар ҳали ҳам ўз ечимини кутмоқда. Шу муносабат билан аудит бўйича халқаро низомларни ва жаҳон аудиторлик амалиёти ютуқларини ўрганиш зарурати профессионал маҳорат масаласи бўлиб қолмоқда.

Шубҳасиз, аудиторлик фаолиятини тартибга солувчи муҳим ҳужжатлар Президентнинг ПҚ-615-сон қарори ва **Вазирлар Маҳкамасининг «Аудиторлик фаолиятини такомиллаштириш ва аудиторлик текширишларининг аҳамиятини ошириш тўғрисида» қарори** *(2000 йил 22 сентябрдаги 365-сон)* ҳисобланади, соҳамизни ислоҳ қилишда уларнинг аҳамияти тўғрисида юқорида сўзлаган эдик.

Аудиторлик ҳамжамияти учун Президентнинг «Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» қарори (2006 йил 17 апрелдаги ПҚ-325-сон) қабул қилиниши ҳам аҳамиятли бўлди. Унга биноан, хусусан, аудиторлик хизматлари 2006 йил 1 апрелдан бошлаб уч йил муддатга даромад (фойда) солиғи ва ягона солиқ тўловидан озод қилинган.

***– Ўзбекистон бухгалтерлари ва аудиторлари миллий уюшмаси Сертификатланган бухгалтерлар ва аудиторлар Евросиё кенгаши (СБАЕК) аъзоси ҳисобланади, сиз, Миновар Маҳкамовна эса, унда аъзолик ва касб этикаси қўмитасига раҳбарлик қиляпсиз. Ана шу ташкилот тўғрисида ҳикоя қилиб берсангиз.***

– СБАЕК 2001 йилда жаҳон тажрибаси асосида бухгалтерия ҳисобини ислоҳ қилиш ва бухгалтер касбининг обрў-эътиборини оширишда МДҲ мамлакатларига ёрдам кўрсатиш учун ташкил этилган, унинг асосий мақсадлари бўлиб халқаро стандартлар асосида бухгалтерия ҳисоби стандартларини ишлаб чиқиш; МДҲ мамлакатлари бухгалтерлар ва аудиторлар уюшмаларини бирлаштириш; малакали бухгалтерларни сертификатлаштириш; IFAC тасдиқлаган стандартлар, амалиёт ва касб этикаси асосида касбий ва таълимий талабларни белгилаш ҳисобланади. 2002 йил мартида юридик шахсларнинг уюшма шаклидаги ушбу нотижорат ташкилоти Россия, Қозоғистон, Украина, Қирғизистон, Тожикистон, Ўзбекистон профессионал бухгалтерлик ва аудиторлик ташкилотлари томонидан рўйхатдан ўтказилган эди. Унга аъзо бўлиш икки даражали: ҳақиқий аъзо ва уюшган аъзо. 2005 йил июнда Бухгалтерлар халқаро федерацияси СБАЕКни Ҳамдўстлик ҳудудида «минтақавий федерация» сифатида расман тан олди.

Бугунги кунда СБАЕКга МДҲнинг 11 мамлакатидан 26 касбий бухгалтерлик ва аудиторлик ташкилоти киради. Ташкилотнинг устувор вазифалари орасида – бухгалтер ва аудитор мақомини ривожлантириш ва оширишга кўмаклашиш, Бухгалтерлар халқаро федерацияси ва Молиявий ҳисобот халқаро стандартлари қўмитаси томонидан ишлаб чиқилган касбий халқаро стандартлар ва касб этикаси стандартларини жорий этиш ҳамда улардан фойдаланиш.

СБАЕКнинг олий бошқарув органи умумий йиғилишдир. СБАЕКнинг асосий ишчи бўлинмалари бўлиб молия, таълим, аъзолик ва этика қўмиталари ҳисобланади. Ўз вазифаси доирасида СБАЕК бухгалтерия ва аудит соҳасида мутахассисларни халқаро тайёрлаш ҳамда сертификатлаштириш тизими – «Сертификатланган халқаро малакали бухгалтер» CIPA дастурини ишлаб чиқди.

*Суҳбатдош*
***Гулнора АБДУНАЗАРОВА.***

**2008 йил 18 ноябрдаги ПФ-4053-сон.*

# ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ:

● **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРЛАРИ:**

– «Мамлакатимиз ишлаб чиқарувчилари маҳсулотларининг рақобатбардошлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»;

– «Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг 2009 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида» 2009 йил 29 декабрдаги ПҚ-1024-сон қарори)».

● **ИДОРАВИЙ-МЕЪЁРИЙ ҲУЖЖАТЛАР:**

– ЎзР МВ, ИВ, ДСҚнинг «Хўжалик юритувчи субъектлар-экспортёрлар томонидан амортизацияни ўрнатилган меъёрдан камроқ ҳисоблаш тартиби тўғрисидаги вақтинчалик низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори;

– ЎзР МВ, ИВ, ДСҚнинг «Дивиденд тарзидаги даромадларни солиқ солишдан озод этиш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори;

– ЎзР ДМҚ ҳузуридаги ҚҚБФМНҚМ, МБ бошқарувининг «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эл валютасидаги қимматли қоғозлар муомаласи, резидентлар томонидан чет эл валютасидаги қимматли қоғозларни сотиб олиниши, шунингдек резидентлар чиқарган қимматли қоғозларнинг норезидентлар томонидан сотиб олиниши тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги қарори.

● **МЕЪЁРИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2009 ЙИЛ 31 ЯНВАРДАН 6 ФЕВРАЛГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ.**

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ*

## МАМЛАКАТИМИЗ ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИЛАРИ МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ ОШИРИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

*(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2009 йил, 5-сон, 44-модда)*

Мамлакатимиз ишлаб чиқарувчилари маҳсулотларининг рақобатбардошлигини ошириш, маҳсулотларни ички ва ташқи бозорларда сотиш ҳажмини кенгайтириш, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 28 ноябрдаги ПФ–4058-сон Фармони билан тасдиқланган Иқтисодиётнинг реал сектори базавий тармоқлари корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастурига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Йирик саноат корхоналари, хўжалик бирлашмалари томонидан Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлиги билан биргаликда танқидий таҳлил асосида технология жараёнларини ҳамда хом ашё, материаллар ва энергия ресурслари сарфи нормаларини мақбуллаштириш, қувватлардан фойдаланиш даражасини кўпайтириш ва меҳнат унумдорлигини ошириш, фойдаланиш ва қўшимча сарф-харажатларни қисқартириш, харид қилинадиган хом ашё, материаллар ва бутловчи буюмлар қийматини пасайтириш, ходимлар сонини мақбуллаштириш ҳисобига саноат маҳсулоти таннархини камайтиришга йўналтирилган комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Хўжалик бирлашмалари ва корхоналарнинг Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси билан келишилган хўжалик бирлашмалари ва йирик саноат корхоналарида ишлаб чиқариш таннархини қисқартиришнинг 1-иловага* мувофиқ йиғма параметрлари бўйича таклифи қабул қилинсин.

Вазирликлар, идоралар ва хўжалик бирлашмалари раҳбарлари тармоқ бўйича таннархни қисқартиришнинг тасдиқланган йиғма параметрларидан келиб чиқиб ўз таркибига кирадиган саноат корхоналари учун таннархни қисқартиришнинг мақсадли параметрларини тасдиқласинлар.

3. Йирик саноат корхоналарида таннархни камайтириш бўйича тизимли ишларни таъминлаш функциялари идоралар ва хўжалик бирлашмалари раҳбарлари бошчилик қиладиган махсус ишчи гуруҳларга юклансин.

4. Маҳсулот таннархини камайтириш чора-тадбирлари амалга оширилиши юзасидан саноат корхоналари раҳбар ходимлари фаолиятини баҳолаш ва уларни моддий рағбатлантириш тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. Вазирлар Маҳкамаси, вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари ва корхоналар:

корхоналарда маҳсулот таннархини камайтириш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар амалга оширилиши юзасидан ҳар чораклик мониторинг ўрнатсинлар;

амалга ошириладиган мониторинг якунлари бўйича, зарурият бўлганда, маҳсулот таннархини камайтириш юзасидан амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг тўлиқлиги ва самарадорлигига кўра корхоналарнинг раҳбарларини моддий рағбатлантириш ёки жавобгарликка тортиш чораларини қўлласинлар.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

***Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ.***

*Тошкент ш.,*
*2009 йил 29 январь*
*26-сон.*

***1-илова «Норма маслаҳатчи»да берилмайди. Иловаларнинг тўлиқ матни билан «Norma» АҲТда ва www.norma.uz сайтидаги эркин кириладиган «Қонунчиликдаги янгиликлар» рукнида танишиб чиқиш мумкин.***

*Вазирлар Маҳкамасининг*
*2009 йил 29 январдаги 26-сон қарорига*
*2-ИЛОВА*

# МАҲСУЛОТ ТАННАРХИНИ КАМАЙТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ АМАЛГА ОШИРИЛИШИ ЮЗАСИДАН САНОАТ КОРХОНАЛАРИ РАҲБАР ХОДИМЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ БАҲОЛАШ ВА УЛАРНИ МОДДИЙ РАҒБАТЛАНТИРИШ ТЎҒРИСИДА НИЗОМ

## I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 28 ноябрдаги ПФ–4058-сон Фармони билан тасдиқланган «Иқтисодиётнинг реал сектори базавий тармоқлари корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури»нинг 1.1-бандига мувофиқ ишлаб чиқилган, улар бўйича ушбу қарорга мувофиқ 2009 йилда маҳсулот таннархини пасайтиришнинг йиғма энг кам параметрлари (кейинги ўринларда чора-тадбирларнинг йиғма комплекслари деб аталади) келишилган йирик саноат корхоналари раҳбар ходимлари фаолиятига баҳо бериш ва уларни моддий рағбатлантириш механизмларини белгилайди.

2. Корхоналарнинг қуйидаги раҳбар ходимлари:

корхонани бошқаришнинг ижро этувчи органи раҳбари ва унинг ўринбосарлари;

бош муҳандис, бош технолог, бош энергетик, бош механик, бош бухгалтер, иқтисодий (молиявий) хизмат бошлиғи, таннархни тартибга солиш бўйича махсус бўлинма бошлиғи;

фаолияти ишлаб чиқарилаётган маҳсулот таннархига бевосита таъсир кўрсатадиган асосий ишлаб чиқариш бўлинмалари раҳбарлари фаолияти баҳоланиши керак.

Фаолияти ушбу Низомга мувофиқ баҳоланадиган раҳбар ходимларнинг аниқ рўйхати корхонанинг кузатувчи кенгаши ёки корхонани бошқаришнинг бошқа органи (кейинги ўринларда корхонани бошқаришнинг ваколатли органи деб аталади) томонидан тасдиқланади.

3. Раҳбар ходимлар фаолиятини баҳолаш йилнинг ҳар чорагида корхонани бошқаришнинг ваколатли органи томонидан амалга оширилади. Раҳбар ходимларни моддий рағбатлантириш юзасидан қарорлар календарь йил якунлари бўйича қабул қилинади.

## II. КОРХОНАНИНГ РАҲБАР ХОДИМЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ БАҲОЛАШ МЕХАНИЗМИ

4. Тасдиқланган йиғма чора-тадбирлар комплекси асосида корхона раҳбари томонидан асосий бўлинмалар ва календарь даврлар бўйича ҳар бир тадбир амалга оширилиши учун масъул бўлган раҳбар ходимлар номма-ном кўрсатилган ҳолда маҳсулот таннархини пасайтириш тадбирлари (кейинги ўринларда тадбирлар рўйхати деб аталади) тасдиқланади.

Бунда тадбирлар рўйхати доирасида 2009 йилда маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларини пасайтиришнинг мақсадли кўрсаткичлари Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 29 январдаги 26-сон қарорига 1-иловада белгиланган харажатларни пасайтиришнинг тегишли мақсадли кўрсаткичларидан кам бўлмаслиги керак.

Кейинги йилларда маҳсулот таннархини пасайтиришнинг мақсадли кўрсаткичлари ташқи ва ички бозорларда рақобатбардош нарх ва зарур фойда ҳисобга олинган ҳолда аниқланади. Таннархни пасайтиришнинг мақсадли кўрсаткичлари ва уларга эришишнинг комплекс чора-тадбирлари корхонани бошқаришнинг ваколатли органи томонидан тасдиқланади.

5. Маҳсулот таннархини пасайтиришнинг мақсадли параметрларига риоя этилишини назорат қилиш учун йиғма комплекс чора-тадбирлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Иқтисодиёт вазирлигида келишган ҳолда 2009 йил учун тайёрланган маҳсулотларнинг асосий турлари бўйича корхонанинг даромадлари ва харажатлари ҳисоб-китоб жадвали қўлланилади. Корхонанинг харажатлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сон қарори билан тасдиқланган Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги Низомга мувофиқ очиб берилади.

Маҳсулотнинг ҳар бир тури бўйича маҳсулот бирлиги таннархи ҳисоб-китобини аниқлаш қийин бўлган ёки мумкин бўлмаган ҳолларда сотиладиган маҳсулотнинг бир сўми ҳисобига тийинлардаги харажатлар кўрсаткичидан фойдаланилади. Корхона ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг типлари (хиллари)нинг катта миқдорига эга бўлган ёки йил мобайнида корхонанинг маҳсулот ишлаб чиқариш харажатлари мутлақ ифодада ошиши мумкин бўлганда юқори қўшилган қийматли маҳсулот ишлаб чиқаришни кенгайтирган ҳоллар ана шундай ҳолларга тегишлидир.

Ходимлар меҳнатига ҳақ тўлашга молиявий ресурслар тежалишини таъминлаш фақат ходимларнинг ўртача иш ҳақи ҳисобот даврида энг кам иш ҳақи ўзгариши суръатларидан паст бўлмаган миқдорда ўсишини таъминлаш шарти билан технология жараёнлари ва ходимлар сонини мақбуллаштириш, функциялар такрорланишини истисно этиш, ходимларнинг иш унумдорлигини ошириш ҳисобига амалга оширилиши мумкин.

6. Ҳар бир календарь чорак якунлари бўйича ҳисоб-китоб жадвалида харажатларни қисқартириш чора-тадбирлари ҳисобга олинган ва ҳисобга олинмаган ҳолда маҳсулотларнинг асосий турлари бўйича корхона даромадлари ва харажатларининг кутилаётган ва амалдаги кўрсаткичлари очиб берилади.

7. Корхонанинг чораклик (йиллик) молиявий ҳисоботи шакллантирилиши муддатларидан кечикмай йиғма чора-тадбирлар комплексининг ва корхонани бошқаришнинг ваколатли органи кўриб чиқиши учун киритиладиган чора-тадбирлар рўйхатининг амалда бажарилиши тўғрисидаги ҳисобот тайёрланади.

8. Моддий ва молиявий ресурсларни тежаш миқдори (ҳажми) ҳамда сотув ҳажми ўсиши натижасида олинган фойда тўғрисидаги маълумотлар йиғма чора-тадбирлар комплексига мувофиқ бухгалтерия ҳисоби маълумотлари ва, зарурият бўлганда, назорат-ўлчов асбобларининг кўрсаткичлари билан тасдиқланиши керак.

9. Харажатларни (маҳсулот таннархини) камайтириш бўйича чора-тадбирлар кўриш билан биргаликда маҳсулотни ички ва ташқи бозорларда сотиш ҳажмининг йиғма чора-тадбирлар комплексида назарда тутилган даражадан паст бўлмаслигини таъминлаш корхонанинг раҳбар ходимларига ижобий баҳо беришнинг зарур шарти ҳисобланади.

10. Корхонани бошқаришнинг ваколатли органи календарь йил тамом бўлгандан кейин ўн кун мобайнида баённома билан расмийлаштирилган қарор қабул қилади, қарорда ҳар бир раҳбар ходимга нисбатан:

унинг фаолиятига баҳо берилади;

моддий рағбатлантиришнинг аниқ чора-тадбирлари белгиланади.

Қарорда шунингдек умуман корхона бўйича чора-тадбирлар рўйхати амалга оширилишига баҳо берилади.

### III. РАҲБАР ХОДИМЛАРНИ МОДДИЙ РАҒБАТЛАНТИРИШ ТАРТИБИ

11. Таннархни пасайтиришнинг тасдиқланган мақсадли кўрсаткичларини бажариш ва ташқи бозорларда сотишнинг ўсиши таъминланган тақдирда календарь йил якунлари бўйича раҳбар ходимларга 8 та лавозим маоши миқдорида бир йўла мукофот тўланади.

Маҳсулот таннархини камайтириш ва ташқи ва ички бозорларда сотиш ҳажмининг ўсиши бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилиши натижасида олинган корхонанинг қўшимча фойдаси ана шундай мукофотлашнинг манбаи ҳисобланади. Бунда мукофотлашнинг умумий суммаси маҳсулот таннархини камайтириш ҳамда ташқи бозорларда сотиш ҳажмини кўпайтиришнинг тасдиқланган йиғма чора-тадбирлар комплексини амалга ошириш натижасида олинган фойда ҳажмининг 40 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

12. Корхонани бошқаришнинг ваколатли органи томонидан, корхона фаолиятининг ўзига хослигидан келиб чиқиб, алоҳида ҳолларда, календарь йил якунлари бўйича айрим раҳбар ходимларга ҳатто умуман корхона бўйича мақсадли кўрсаткич бажарилмаган тақдирда ҳам уларга тегишли қисм юзасидан харажатлар (маҳсулот таннархи)-ни камайтиришнинг белгиланган мақсадли кўрсаткичларига эришганлик учун мукофот тайинланиши мумкин. Ушбу ҳолатда бир йўла бериладиган мукофот миқдори 6 та лавозим маошидан ортиқ бўлмаслиги керак.

13. Йиғма чора-тадбирлар комплексида назарда тутилган айрим тадбирлар бажарилмаган тақдирда ушбу тадбирлар бажарилиши учун масъул бўлган тегишли раҳбар ходимларни мукофотлаш амалга оширилмайди.

14. Ҳар чораклик мониторинг олиб бориш давомида, мақсадли параметрлар, шунингдек таннархни пасайтириш бўйича умуман йил бўйича уларнинг бажарилиши барбод бўлишига хавф солаётган аниқ чора-тадбирлар бажарилмаган тақдирда корхонани бошқаришнинг ваколатли ва ижро этувчи органлари юзага келган аҳволни ўрганиб чиқишлари, чора-тадбирлар рўйхати бажарилмаслигининг сабабларини ва айбдор шахсларни аниқлашлари, уларни бажариш бўйича барча зарур қўшимча саъй-ҳаракатларни кўришлари керак. Чуқур ўрганиб чиқиш ва маҳсулот таннархини камайтириш бўйича чора-тадбирлар бажарилишидаги қолоқликни бартараф этиш юзасидан чора-тадбирларни ишлаб чиқиш учун корхонани бошқаришнинг ваколатли органи тафтиш комиссиясини, корхонанинг ички аудит хизматини ёки бошқа ташқи экспертларни жалб қилиши мумкин.

Ушбу ҳолатда чора-тадбирлар рўйхати бажарилиши барбод бўлишида айбдор бўлган мансабдор шахслар корхонани бошқаришнинг ваколатли органи томонидан белгиланган даврда мукофотлардан ва (ёки) лавозим маошларига алоҳида устамалардан маҳрум бўлади. Уларга нисбатан Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексида белгиланган бошқа тадбирлар ҳам қўлланилиши мумкин.

### IV. ХАРАЖАТЛАРНИ (МАҲСУЛОТ) ТАННАРХИНИ ПАСАЙТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ АМАЛГА ОШИРИЛИШИ МОНИТОРИНГИНИ ОЛИБ БОРИШ

15. Корхонани бошқаришнинг ваколатли органлари корхона томонидан харажатларни (маҳсулот таннархини) пасайтириш чора-тадбирлари бажарилиши юзасидан доимий мониторинг олиб борадилар.

16. Ҳар бир календарь чорак якунлари бўйича корхонани бошқаришнинг ваколатли органи бошқарувнинг юқори органига (вазирлик, идора, хўжалик бирлашмаси, мустақил корхоналар — Вазирлар Маҳкамасининг тегишли департаментига) ушбу Низомнинг 8 — 10-бандларида кўрсатилган ҳужжатлар ҳажмида йиғма чора-тадбирлар комплекси бажарилиши тўғрисида ахборот тақдим этади.

17. Ҳар бир хўжалик бирлашмаси бўйича йиғма ахборот ҳар чоракда мақсадли кўрсаткичлар бажарилмаслиги хавфи мавжуд бўлган корхоналар бўйича аниқ таклифлар билан Вазирлар Маҳкамасига юборилади.

18. Вазирлар Маҳкамаси кўрсатиб ўтилган ахборот асосида вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари ва мустақил корхоналарнинг раҳбарлари билан биргаликда:

харажатларни (маҳсулот таннархини) пасайтириш чора-тадбирлари бажарилмаслиги сабабларини таҳлил қилади;

зарурият бўлганда, харажатларни (маҳсулот таннархини) пасайтиришнинг назарда тутилган параметрлари бажарилиши учун қўшимча чора-тадбирлар кўриш, шу жумладан корхонанинг ишлаб чиқариш харажатларини ва маҳсулот таннархини пасайтиришда кўмаклашиш, корхонанинг менежментини бошқариш бўйича Ҳукумат қарорлари қабул қилиш борасида корхоналарнинг раҳбарларига ёрдам беради.

---

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУКУМАТИНИНГ АЙРИМ ҚАРОРЛАРИГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА (ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ 2009 ЙИЛГИ АСОСИЙ МАКРОИҚТИСОДИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ ВА ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ПАРАМЕТРЛАРИ ТЎҒРИСИДА» 2009 ЙИЛ 29 ДЕКАБРДАГИ ПҚ-1024-СОН ҚАРОРИ)

*(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2009 йил, 7-сон, 69-модда)*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг 2009 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида» 2009 йил 29 декабрдаги ПҚ-1024-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С.Азимов зиммасига юклансин.

***Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.МИРЗИЁЕВ.***

*Тошкент ш.,*
*2009 йил 9 февраль,*
*36-сон.*

*Вазирлар Маҳкамасининг*
*2009 йил 9 февралдаги 36-сон қарорига*
*ИЛОВА*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУКУМАТИНИНГ АЙРИМ ҚАРОРЛАРИГА КИРИТИЛАЁТГАН ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР

1. Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 24 июндаги 319-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1994 й., 6-сон, 33-модда) билан тасдиқланган Болаликдан ногиронларга нафақалар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 16-бандидаги «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси» сўзлари «республика бюджети» сўзлари билан алмаштирилсин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 29 июндаги 245-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2000 й., 6-сон, 33-модда) билан тасдиқланган Хўжалик юритувчи субъектлар томонидан хорижий валютадаги тушумни мажбурий сотиш тартиби 3-бандининг «е» кичик бандига «газ экспорти ва транзитини амалга оширадиган корхоналардан ташқари» сўзлари қўшилсин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Валюта бозорини янада эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2001 йил 22 июндаги 263-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2001 й., 6-сон, 30-модда) 5-бандининг иккинчи хатбошига «газ экспорти ва транзитини амалга оширадиган корхоналардан ташқари» сўзлари қўшилсин.

4. Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 21 октябрдаги 490-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 й., 10-сон, 98-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Пенсия жамғармаси тўғрисидаги низом 33-банди «а» кичик бандининг учинчи хатбошидаги «болаликдан ногиронларга» сўзлари чиқариб ташлансин.

---

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ,*
*ИҚТИСОДИЁТ ВАЗИРЛИГИ, ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНИНГ*
*ҚАРОРИ*

# ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАР-ЭКСПОРТЁРЛАР ТОМОНИДАН АМОРТИЗАЦИЯНИ ЎРНАТИЛГАН МЕЪЁРДАН КАМРОҚ ҲИСОБЛАШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ ВАҚТИНЧАЛИК НИЗОМНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА*

***Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 5 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1897.***

*(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2009 йил, 6-сон, 64-модда)*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 28 ноябрдаги ПФ–4058-сонли «Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш бўйича чора-тадбирлар Дастури тўғрисида»ги Фармонига асосан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси **қарор қилади:**

1. Хўжалик юритувчи субъектлар-экспортёрлар томонидан амортизацияни ўрнатилган меъёрдан камроқ ҳисоблаш тартиби тўғрисидаги Вақтинчалик низом иловага асосан тасдиқлансин.

2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб ўн кундан кейин кучга киради.

***2009 йил 15 февралдан кучга киради.***

| | | |
|---|---|---|
| ***Молия вазири*** | ***Иқтисодиёт вазири*** | ***Давлат солиқ қўмитаси раиси*** |
| ***Р.АЗИМОВ.*** | ***Б.ХОДЖАЕВ.*** | ***Б.ПАРПИЕВ.*** |
| *10-сон* | *63-сон* | *2009-2-сон* |

*Тошкент ш., 2009 йил 28 январь.*

*Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг*
*2009 йил 28 январдаги 10, 63, 2009-2-сонли қарори билан*
*ТАСДИҚЛАНГАН*

## ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАР-ЭКСПОРТЁРЛАР ТОМОНИДАН АМОРТИЗАЦИЯНИ ЎРНАТИЛГАН МЕЪЁРДАН КАМРОҚ ҲИСОБЛАШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА ВАҚТИНЧАЛИК НИЗОМ

Ушбу Вақтинчалик низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 28 ноябрдаги ПФ–4058-сонли «Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш бўйича чора-тадбирлар Дастури тўғрисида»ги Фармонига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 49-сон, 477-модда) мувофиқ, ўз маҳсулоти (иш, хизмати) экспортини амалга оширадиган Ўзбекистон Республикаси хўжалик юритувчи субъектлари томонидан 2009-2010 йиллар даври мобайнида асосий воситалар ва номоддий активлар бўйича амортизацияни ўрнатилган меъёрдан камроқ ҳисоблаш тартибини белгилаб беради.

### § 1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Мазкур Вақтинчалик низом ўз маҳсулоти (иш, хизмати) экспортини қонунчиликда ўрнатилган тартибда амалга оширадиган Ўзбекистон Республикаси хўжалик юритувчи субъектлари (кейинги ўринларда — корхона-экспортёр)га тегишли.

2. Мазкур Вақтинчалик низом 2010 йилнинг 31 декабригача бўлган даврда амал қилади.

3. Мазкур Вақтинчалик низомда қўлланиладиган асосий тушунчалар:

а) амортизация — асосий воситалар эскиришининг қийматдаги ифодаси, ҳамда асосий воситалар ва номоддий активларнинг амортизацияланадиган қийматини

уларнинг фойдали хизмат муддати мобайнида асосий воситалар ва номоддий активларнинг белгиланган мақсадидан келиб чиққан ҳолда маҳсулот (ишлар, хизматлар) таннархига ёки давр харажатларига олиб бориш ва систематик тақсимлаш;

б) ўрнатилган амортизация меъёри — Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 144-моддасида кўрсатилган асосий воситалар ва номоддий активлар бўйича амортизация меъёри;

в) корхона маҳсулоти қиймати — корхонанинг барча харажатларини (ишлаб чиқариш таннархи, давр харажатлари, молиявий фаолият бўйича харажатларини) ҳисобга олган ҳолда ҳисобланган ишлаб чиқарилаётган маҳсулот бирлигининг ҳисоб-китоб қиймати.

г) пасайтирувчи коэффициент — асосий воситалар ва номоддий активлар бўйича ўрнатилган меъёрлардан камроқ амортизация суммасини аниқлаш учун қўлланиладиган ҳисоб-китоб кўрсаткичи бўлиб, унинг қиймати 1,00 ёки 100% дан кўп бўлмаслиги лозим.

## § 2. АМОРТИЗАЦИЯНИ ЎРНАТИЛГАН МЕЪЁРДАН КАМРОҚ ҲИСОБЛАШ ТАРТИБИ

4. Асосий воситалар ва номоддий активлар бўйича амортизацияни ўрнатилган меъёрларга мувофиқ ҳисоблайдиган корхона-экспортёрлар 2009 йилнинг 1 январидан 2010 йилнинг 31 декабригача бўлган давр мобайнида, ишлаб чиқарилаётган ўз маҳсулотининг жаҳон бозори нархлари корхона маҳсулоти қийматидан паст бўлган ҳолларда, амортизацияни ўрнатилган меъёрлардан камроқ (кейинги ўринларда — пасайтирилган меъёрда) ҳисоблаши мумкин.

5. Агар ҳисоб сиёсатида кўзда тутилган усул бўйича ҳисобланган амортизация суммаси ўрнатилган меъёрлар бўйича ҳисобланган амортизация суммасидан юқори бўлган ҳолда, корхона-экспортёрлар амортизацияни пасайтирилган меъёрлар бўйича ҳисоблаши мумкин. Агарда корхонанинг ҳисоб сиёсатида кўзда тутилган усул бўйича асосий воситалар ва номоддий активларга ҳисобланган амортизация суммаси ўрнатилган меъёрлар бўйича ҳисобланган амортизация суммасидан паст бўлган ҳолда, корхона-экспортёр фақатгина ҳисоб сиёсатида кўзда тутилган амортизация ҳисоблашнинг усулларини қўллайди.

6. Пасайтирилган меъёр пасайтирувчи коэффициентни асосий воситаларнинг аниқ тури бўйича ўрнатилган амортизация меъёрига кўпайтириш орқали аниқланади.

7. Пасайтирувчи коэффициент экспорт қилинадиган маҳсулотнинг жаҳон бозори нархини («чегараловчи баҳо» — қонунчиликка мувофиқ корхоналар учун) корхона маҳсулоти қийматига нисбати сифатида аниқланади.

8. Пасайтирувчи коэффициент корхона-экспортёр томонидан мустақил равишда ҳар ҳисобот даври (чорак, ой)да ҳисобланади. Жорий давр учун пасайтирувчи коэффициентни ҳисоблаш учун мос равишдаги ўтган даврнинг ҳақиқий кўрсаткичларидан фойдаланилади. Бунда, агар бир неча турдаги маҳсулот экспорт қилинганда, корхона-экспортёр ҳар бир маҳсулот тури бўйича ҳисобланган пасайтирувчи коэффициентнинг хоҳлаганини қўллаш ҳуқуқига эга.

9. Пасайтирилган меъёрлар бўйича амортизацияни ҳисоблашда экспорт қилинаётган маҳсулот бирлигининг жаҳон бозори нархини ҳужжатлар асосида тасдиқлаш учун корхона-экспортёр ихтиёрига кўра қуйидагилардан бири қўлланилиши мумкин:

а) бошқа чет эл корхоналари ёки миллий корхона-экспортёрлардан ёзма шаклда олинган худди шундай маҳсулотнинг нархлари тўғрисидаги маълумотлар;

б) оммавий ахборот воситалари (жумладан Интернет сайтларининг қоғоз нусхаси) ва махсус адабиётлар ва шу кабиларда чоп этилган экспорт қилинаётган маҳсулотнинг жаҳон бозори нархлари тўғрисидаги маълумотлар;

в) товар-хом ашё биржалари, турли агентликлар, маслаҳат (консалтинг) ташкилотлари, махсус ваколатли органлар ва жаҳон бозори нархлари тўғрисидаги маълумотларни йиғиш ва чоп этиш билан шуғулланадиган бошқа юридик шахслардан ёзма шаклда олинган хулосалар ва маълумотлар, ҳамда экспорт қилинаётган маҳсулотнинг жаҳон бозори нархлари даражасини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар.

10. Корхона-экспортёрлар номоддий активлар бўйича амортизациянинг пасайтирилган меъёрларини қуйидагича аниқлайди: номоддий активнинг аниқ бир тури бўйича ҳисоб сиёсатида кўзда тутилган тартибда ҳисобланган амортизация меъёрини мазкур Вақтинчалик низомнинг 7-бандида кўзда тутилган тартибда ҳисобланган пасайтирувчи коэффициентга кўпайтирилади.

11. Асосий воситалар (номоддий активлар) объектлари бўйича амортизация ажратмаларини ҳисоблаш, мазкур объект асосий воситалар (номоддий активлар) таркибига қабул қилинган ойдан кейинги ойнинг биринчи санасидан бошланади ва мазкур объектнинг амортизацияланадиган қиймати тўлиқ қопланганга қадар ёки ушбу объект балансдан ҳисобдан чиқарилгунча амалга оширилади.

12. Асосий воситалар (номоддий активлар) объектлари бўйича амортизация ажратмаларини ҳисоблаш, мазкур объектларнинг амортизацияланадиган қиймати тўлиқ қопланган ойдан ёки ушбу объектлар балансдан ҳисобдан чиқарилган ойдан кейинги ойнинг биринчи санасидан тўхтатилади.

13. Асосий воситалар (номоддий активлар) объектлари бўйича пасайтирилган меъёрларда амортизация ажратмалари ҳисобот даври мобайнида ҳар ойда ҳисоблаб борилади.

14. Ишлаб чиқариши мавсумий тусга эга бўлган корхоналарда фойдаланиладиган асосий воситалар (номоддий активлар) бўйича пасайтирилган меъёрдаги амортизация ажратмаларининг йиллик суммаси, ҳисобот йилида улардан фойдаланиш даврига тенг маромда ҳисобланади.

## § 3. АМОРТИЗАЦИЯ АЖРАТМАЛАРИНИ ҲИСОБЛАШНИ ТЎХТАТИБ ТУРИШ ТАРТИБИ

15. Корхона-экспортёрлар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг жаҳон бозоридаги нархлари («чегараловчи баҳо» — қонунчиликка мувофиқ корхоналар учун) уларнинг таннархидан пасайиб кетган ҳолларда, корхона-экспортёрлар асосий воситалар ва номоддий активлар бўйича амортизация ҳисоблашни Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишган ҳолда 6 ойгача бўлган муддатга тўхтатиб туришлари мумкин. Календарь йили давомида амортизация ҳисоблашни олти ой муддатгача тўхтатиб туришга рухсат этилади.

16. Асосий воситалар ва номоддий активлар бўйича амортизация ҳисоблашни тўхтатиб туриш амортизация ҳисоблашнинг қўлланилаётган усули ва меъёридан қатъи назар, амалга оширилиши мумкин.

17. Асосий воситалар ва номоддий активлар бўйича амортизация ҳисоблашни тўхтатиб туришни келишиш учун корхона-экспортёрлар амортизацияни тўхтатиб туришни бошлашдан бир ой олдин Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига қуйидаги ҳужжатларни корхона раҳбари ва бош бухгалтери имзоси билан тасдиқланган ва муҳрланган ҳолда тақдим этишлари лозим:

а) йўлланма хат;

б) амортизация ҳисоблашни тўхтатиб туриш даври учун асосий воситалар ва номоддий активлар бўйича амортизация ажратмалари суммаларининг ҳисоб-китоби;

в) йиллик амортизация умумий суммасининг сотиш нархига киритилган ҳолда ва келишилаётган муддат учун амортизация ҳисоблашни тўхтатиб туришни ҳисобга олган ҳолда экспорт қилинадиган маҳсулотнинг кутилаётган (прогнозлаштирилган) ишлаб чиқариш таннархи ва сотиш нархлари;

г) ҳужжатлар тақдим қилинган санадаги экспорт қилинадиган маҳсулот (иш, хизмат) бирлиги бўйича жаҳон бозоридаги нархи ва таннархи тўғрисидаги маълумотлар, жаҳон бозори нархларини тасдиқловчи ҳужжатлар илова қилинган ҳолда.

18. Амортизация ҳисоблашни тўхтатиб туришни келишаётган корхона-экспортёрлар зарур ҳолларда амортизацияни 6 ойгача тўхтатиб туришга доир қўшимча маълумот ва ахборотларни Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига тақдим этишлари мумкин.

19. Амортизация ҳисоблашни тўхтатиб туриш учун тақдим этилган ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг тегишли тармоқ (соҳа) бошқармалари томонидан кўриб чиқилади ва зарурий ҳужжатлар тўлиқ ҳажмда олинган кундан бошлаб бир ҳафта муддатдан кечикмаган ҳолда вазирлик раҳбариятига амортизация ҳисоблашни олти ой муддатгача тўхтатиб туришга розилик бериш тўғрисида ёки тўхтатиб туриш мақсадга мувофиқ эмаслиги тўғрисида ёзма тақдимнома киритади. Амортизация ҳисоблашни тўхтатиб туришга розилик бериш тўғрисидаги ёки тўхтатиб туриш мақсадга мувофиқ эмаслиги тўғрисидаги билдириш хати тегишли Молия вазири ўринбосари имзоси билан корхона-экспортёрга қонунчиликда белгиланган тартибда юборилади. Бунда амортизация ҳисоблашни тўхтатиб туришга розилик олти ойдан кам бўлган муддатга ҳам берилиши мумкин.

20. Амортизация ҳисоблашни тўхтатиб туришга розилик бериш тўғрисидаги билдириш хатида амортизация ҳисоблашни тўхтатиб туришнинг аниқ муддати кўрсатилиши лозим. Амортизация ҳисоблашни тўхтатиб туришга розилик рад этилган ҳолларда, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги бу ҳақда корхона-экспортёрни рад этиш учун асосларни кўрсатган ҳолда хабардор қилади. Амортизация ҳисоблашни тўхтатиб туришга розилик рад этилган корхона-экспортёр, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг кўрсатган камчиликларини бартараф этгандан сўнг, қайта мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

### § 4. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

21. Мазкур Вақтинчалик низом билан белгиланган тартибда амортизацияни ўрнатилган меъёрдан камроқ ҳисоблаш даври ёки амортизация ҳисоблашни тўхтатиб туриш даври тугаганидан сўнг, келгусида амортизацияни ҳисоблаш асосий воситалар ва номоддий активлар бошланғич (қайта тиклаш) қиймати тўлиқ қоплангунча ўрнатилган амортизация меъёрларига мувофиқ амалга оширилади.

22. Тақдим этилаётган ҳисоб-китоблар, бошланғич ҳужжатлар ва бошқа материаллар, ҳамда улар нусхаларининг ҳаққонийлиги ва асосланганлиги учун шахсий жавобгарлик корхона-экспортёрлар раҳбарлари ва бош бухгалтерлари зиммасига юклатилади.

23. Мазкур Вақтинчалик низомда баён этилган тартибда амортизация ҳисоблашни тўхтатиб туришга розилик бериш ёки тўхтатиб туриш мақсадга мувофиқ эмаслиги тўғрисидаги таклифни ўз вақтида киритиш бўйича шахсий жавобгарлик Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг тегишли тармоқ (соҳа) бошқармалари раҳбарлари зиммасига юклатилади.

---

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ, ИҚТИСОДИЁТ ВАЗИРЛИГИ, ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНИНГ ҚАРОРИ*

# ДИВИДЕНД ТАРЗИДАГИ ДАРОМАДЛАРНИ СОЛИҚ СОЛИШДАН ОЗОД ЭТИШ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА*

***Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 10 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1901***

*(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2009 йил, 7-сон, 72-модда)*

Ўзбекистон Республикаси «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонунининг 7-моддасига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 29 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2009 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги ПҚ–1024-сон қарорига мувофиқ **қарор қиламиз:**

1. Илова қилинаётган Дивиденд тарзидаги даромадларни солиқ солишдан озод этиш тўғрисидаги низом тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб ўн кун ўтгач кучга киради.

***Молия вазири***
***Р.АЗИМОВ.***
*11-сон*

***Иқтисодиёт вазири***
***Б.ХЎЖАЕВ.***
*64-сон*

***Давлат солиқ қўмитаси раиси***
***Б.ПАРПИЕВ.***
*2009-6-сон*

*Тошкент ш., 2009 йил 28 январь.*

***2009 йил 20 февралдан кучга киради.**

*Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2009 йил 28 январдаги 11, 64, 2009-6-сон қарори билан ТАСДИҚЛАНГАН*

## ДИВИДЕНД ТАРЗИДАГИ ДАРОМАДЛАРНИ СОЛИҚ СОЛИШДАН ОЗОД ЭТИШ ТЎҒРИСИДА НИЗОМ

Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 29 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2009 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги ПҚ–1024-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 52-сон, 515-модда) мувофиқ, юридик ва жисмоний шахслар томонидан дивиденд тарзида олинадиган даромадларга солиқ имтиёзларини қўллаш тартибини белгилайди.

### I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**дивиденд** — акциялар бўйича тўланиши лозим

бўлган даромад; юридик шахс томонидан унинг муассислари ўртасида (иштирокчилари, аъзолари ўртасида уларнинг улушлари, пайлари, ҳиссалари бўйича) тақсимланадиган соф фойданинг ва (ёки) ўтган йиллардаги тақсимланмаган фойданинг бир қисми; юридик шахс тугатилганда мол-мулкни тақсимлашдан олинган, шунингдек муассис (иштирокчи, аъзо) томонидан юридик шахсда иштирок этиш улушини (пайини, ҳиссасини) олгандаги даромадлар, бундан муассис (иштирокчи, аъзо) устав фондига (устав капиталига) ҳисса сифатида киритган мол-мулкнинг қиймати чегирилади;

**инвестициялар** — юридик шахслар томонидан модернизациялашга, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашга, реконструкция қилиш ва қурилишга йўналтириладиган, шунингдек бошқа юридик шахсларнинг устав капиталига (фондига) қўйилма сифатида йўналтириладиган маблағлар;

**капиталлашув** — юридик шахслар томонидан ўз устав фондини (устав капиталини) оширишга маблағларни йўналтириш;

**кредит** — кредит ташкилотлари томонидан юридик шахсларга муддатлилик ва қайтариш шартлари асосида кредит ташкилотига асосий қарз суммаси ва ссудадан фойдаланганлик учун фоизлар тўлаш шарти билан бериладиган пул шаклидаги ссуда.

2. 2009 йил 1 январдан 2014 йилнинг 1 январигача:

жисмоний шахслар — микрофирма ва кичик корхоналарнинг муассислари томонидан олинадиган дивиденд тарзидаги даромадлари;

юридик шахслар томонидан олинадиган дивиденд тарзидаги даромадларнинг капиталлашувга, инвестицияларга, аввал олинган кредитлар учун ҳисоб-китоб қилишга йўналтирилган қисми солиқ солишдан озод этилади.

Мазкур қоида Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига мувофиқ доимий хусусиятга эга бўлган юридик шахсдан олиниб, унинг устав фондига (устав капиталига) йўналтириладиган солиқ солинмайдиган дивидендларга татбиқ этилмайди.

3. Ушбу Низомнинг 2-бандида кўрсатилган имтиёз 2009 йилнинг 1 январидан кейин ва 2014 йилнинг 1 январига қадар тўланадиган барча дивидендлар учун, улар қайси давр учун ҳисобланганлигидан қатъи назар, татбиқ этилади.

## II. ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРГА ТЎЛАНАДИГАН ДИВИДЕНДЛАР БЎЙИЧА ИМТИЁЗНИ ҚЎЛЛАШ ТАРТИБИ

4. Жисмоний шахслар — муассисларга дивиденд тарзидаги даромад тўлайдиган микрофирма ва кичик корхоналар тўлов манбаида солиқ ушлаб қолмайдилар.

5. Имтиёз микрофирма ва кичик корхоналар томонидан мустақил тарзда, жисмоний шахснинг имтиёзни қўллаш тўғрисидаги аризаси тақдим этилмаган ҳолда қўлланилади.

## III. ЮРИДИК ШАХСЛАРГА ТЎЛАНАДИГАН ДИВИДЕНДЛАР БЎЙИЧА ИМТИЁЗ ҚЎЛЛАШ ТАРТИБИ

6. Дивиденд тарзида даромад тўловчи юридик шахслар (бундан буён матнда тўлов манбаи деб юритилади) дивидендлар тарзида даромад олувчи юридик шахслар томонидан ушбу Низомда келтирилган мақсадларга мазкур маблағларни йўналтирган тақдирда фойда солиғини тўлов манбаида ушлаб қолмайдилар.

7. Дивидендлар тарзидаги даромадларни тўлов манбаида солиқ солишдан озод этиш учун юридик шахс тўлов манбаига мазкур Низомнинг 1-иловасида келтирилган шаклда ариза тақдим этади. Мазкур ариза ҳар бир дивиденд тўланишида тақдим этилади. Ариза тўлов манбаи томонидан дивиденд тарзидаги даромад тўлангунига қадар юридик шахс томонидан берилади. Аризани тақдим этиш тўлов манбаида солиқ ушлаб қолмаслик учун асос бўлади.

8. Тўлов манбаида солиқ солинмаган дивидендлар тарзидаги даромадлар олувчи юридик шахслар банкда очилган махсус ҳисобварақда (22626 «Корхона ва ташкилотларнинг мақсадли маблағлари» алоҳида ҳисобварақи) ушбу маблағларни жамлайдилар. Дивидендлар тарзидаги даромадлар тушуми юридик шахснинг бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

1) ҳисобланган дивидендлар:

4840 «Олинадиган дивидендлар» ҳисобварағининг дебети;

9520 «Дивидендлар кўринишидаги даромадлар» счётининг кредити;

2) дивидендларни махсус ҳисобварақка келиб тушиши:

5530 «Бошқа махсус ҳисобварақлар» ҳисобварағининг дебети;

4840 «Олинадиган дивидендлар» ҳисобварағининг кредити.

9. Дивидендлар тарзида даромадлар олган юридик шахслар махсус ҳисобварақдаги маблағлардан фақат ушбу Низомда назарда тутилган мақсадлар учун фойдаланадилар. Юридик шахслар маблағларни ўз устав фондини (устав капиталини) капиталлаштиришга йўналтирганда, жамланган сумма махсус ҳисобварақдан ҳисоб-китоб варағига капиталлашув суммаси миқдорида ўтказилади.

10. Юридик шахслар Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи ҳисоб-китобини топшириш учун назарда тутилган муддатларда рўйхатдан ўтказилган жойдаги давлат солиқ хизмати органларига ушбу Низом 2-иловасида келтирилган шаклда дивиденд тарзида олинган ва тўлов манбаида солиқ солинмаган маблағлардан фойдаланиш тўғрисида ҳисоб-китоб тақдим этадилар.

11. Тўлов манбаида фойда солиғи ушлаб қолинмаган дивиденд тарзида даромад олган юридик шахс маблағларни мақсадли равишда фойдаланмаган ёки 2014 йилнинг 1 январь ҳолатига махсус ҳисобварақда фойдаланмаган маблағлар қолдиғига эга бўлган тақдирда, мазкур маблағларга дивиденд тарзидаги даромад сифатида тан олиниб фойда солиғи солинади, яъни мазкур маблағлар бўйича фойда солиғини тўлаш мажбурияти, мажбуриятлар вужудга келган пайтда белгиланган ставка бўйича дивиденд олган юридик шахсда вужудга келади.

Бунда, пул маблағларини мақсадга мувофиқ фойдаланилмаган ёки 2014 йил 1 январь ҳолатига махсус ҳисобварақда маблағлар қолдиғи мавжуд бўлган чоракдан кейинги ойнинг 25-куни, юридик шахс давлат солиқ хизмати органларига ушбу Низомнинг 3-иловасида келтирилган шаклда тўлов манбаида фойда солиғи солинмаган дивидендлар бўйича фойда солиғи ҳисоб-китобини тақдим этади.

## IV. ЯКУНИЙ ҚОИДА

12. Ушбу Низомда кўрсатилган имтиёзларнинг тўғри қўлланиши устидан назорат давлат солиқ хизмати органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси, Ўзбекистон Республикасининг «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

*Дивидендлар тарзидаги даромадларни солиқ солишдан озод этиш тўғрисидаги низомга*
*1-ИЛОВА*

______________________ га тақдим этилмоқда
(тўлов манбаи — юридик шахснинг номи)

**Тўлов манбаида дивидендлар тарзидаги даромадлар бўйича тўлов манбаида солиқ солишдан озод этиш тўғрисида**
**АРИЗА**

**Юридик шахс** ______________________,
(солиқ тўловчининг тўлиқ номи)

______________________
(почта манзили, шаҳар (туман, қишлоқ), кўчанинг номи ва уйнинг (хонадоннинг) рақами)

1. Давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисида гувоҳнома

2. СТИР

3. Телефон: код рақам

**Сиздан Дивидендлар тарзидаги даромадларни солиқ солишдан озод қилиш тўғрисидаги низомга мувофиқ дивиденд тарзидаги даромадлардан тўлов манбаида ______ давр учун ҳисобланган ______ сўм миқдорида фойда солиғини ушлаб қолмаслигингизни сўрайди.**

| ***Ушбу ҳисоб-китобда кўрсатилган маълумотларнинг ишончлилиги ва тўлиқлигини тасдиқлайман:*** | ***Дивиденд тўловчи юридик шахснинг ходими томонидан тўлдирилади*** |
|---|---|
| Раҳбар:<br>СТИР<br>Ф. И. Ш.<br>Имзо | |
| Бош ҳисобчи<br>СТИР<br>Ф. И. Ш.<br>Имзо | Тақдим этилган сана (кк/оо/йй) |
| Сана (кк/оо/йй) | Ф.И.Ш.<br>Имзо |

**М.Ў.**

***Изоҳ:** Мазкур ариза икки нусхада тақдим этилади. Дивиденд тарзида даромад тўловчи юридик шахс аризани олганлиги ҳақида белги қўяди ва бир нусхасини ариза берувчига қайтариб беради.*

*Дивидендлар тарзидаги даромадларни солиқ солишдан озод этиш тўғрисидаги низомга*
*2-ИЛОВА*

СТИР варақ 0 1

Ҳужжат тури / Ҳисобот даври чорак Солиқ даври

Ҳужжат тури: 1 – ҳисоб-китоб, 2 – аниқловчи ҳисоб-китоб (каср орқали аниқлашнинг рақами)

Юридик шахснинг тўлиқ номи

Ҳисоб-китобни тақдим этиш муддати (кун/ой/йил)

______________________ га тақдим этилади
(рўйхатдан ўтказилган жойдаги давлат солиқ хизмати органи)

**Дивиденд тарзида олинган ва тўлов манбаида солиқ солинмаган маблағлардан фойдаланишнинг ҲИСОБ-КИТОБИ**

| *Тўлов манбаи — юридик шахснинг номи* | *Сатр коди* | *Сумма (сўм)* | *Сана (кун/ой/йил)* |
|---|---|---|---|
| | 001 | | |
| | 002 | | |
| | 003 | | |
| | 004 | | |
| **Жами тўлов манбаида солиқ солинмаган дивиденд тарзида олинган даромадлар** (001-сатр + 002-сатр + 003-сатр +...) | 010 | | x |
| Белгиланган мақсадлар учун йўналтирилган маблағлар: | 020 | x | x |
| инвестицияларга | 021 | | |
| капиталлашувга | 022 | | |
| кредитларни қоплашга | 023 | | |
| **Жами фойдаланилган маблағлар** (021-сатр + 022-сатр + 023-сатр) | 030 | | x |
| Фойдаланилмаган қолдиқ (010-сатр – 030-сатр) | 040 | | |

| *Ушбу ҳисоб-китобда кўрсатилган маълумотларнинг ишончлилиги ва тўлиқлигини тасдиқлайман* | *Давлат солиқ хизмати органининг ходими томонидан тўлдирилади* |
|---|---|
| Раҳбар:<br>СТИР<br>Ф. И. Ш.<br>Имзо | Ушбу хабарнома<br>(кераклисига «V» белгиси қўйилсин)<br>қоғозда / электрон кўринишида<br>шахсан / почта орқали / электрон почта орқали |
| Бош бухгалтер<br>СТИР<br>Ф. И. Ш.<br>Имзо | варақда тақдим этилди |
| Сана (кк/оо/йй) | Тақдим этилган сана (кк/оо/йй)<br>Ф.И.Ш.<br>Имзо |

М.Ў.

*Дивидендлар тарзидаги даромадларни солиқ солишдан озод этиш тўғрисидаги низомга*
**3-ИЛОВА**

СТИР ______ варақ 0 1

Хужжат тури __ / __ Ҳисобот даври __ чорак Солиқ даври ____

Хужжат тури: 1 – ҳисоб-китоб, 2 – аниқловчи ҳисоб-китоб (каср орқали аниқлашнинг рақами)

Юридик шахснинг тўлиқ номи ______

Ҳисоб-китобни тақдим этиш муддати (кун/ой/йил) ______

______ га тақдим этилади

*(рўйхатдан ўтказилган жойдаги давлат солиқ хизмати органи)*

**ТЎЛОВ МАНБАИДА ФОЙДА СОЛИҒИ СОЛИНМАГАН ДИВИДЕНДЛАР БЎЙИЧА ФОЙДА СОЛИҒИ ҲИСОБ-КИТОБИ**

| *Кўрсаткичлар* | *Сатр рақами* | *Сумма (сўм)* |
|---|---|---|
| Солиқ солинадиган дивидендлар суммаси | 010 | |
| Дивиденд тарзидаги даромадларга фойда солиғи ставкаси | 020 | |
| Бюджетга тўланиши лозим бўлган фойда солиғи суммаси (010-сатр x 020-сатр) | 030 | |

| *Ушбу ҳисоб-китобда кўрсатилган маълумотларнинг ишончлилиги ва тўлиқлигини тасдиқлайман* | *Давлат солиқ хизмати органининг ходими томонидан тўлдирилади* |
|---|---|
| Раҳбар:<br>СТИР<br>Ф. И. Ш.<br>Имзо<br><br>Бош бухгалтер<br>СТИР<br>Ф. И. Ш.<br>Имзо<br><br>Сана (кк/оо/йй) | Ушбу хабарнома (кераклисига «V» белгиси қўйилсин)<br>қоғозда / электрон кўринишида<br>шахсан / почта орқали / электрон почта орқали<br>варақда тақдим этилди<br><br>Тақдим этилган сана (кк/оо/йй)<br><br>Ф.И.Ш.<br>Имзо |

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУЛКИ ҚЎМИТАСИ ҲУЗУРИДАГИ ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИ ФАОЛИЯТИНИ МУВОФИҚЛАШТИРИШ ВА НАЗОРАТ ҚИЛИШ МАРКАЗИ, МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

# «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУДУДИДА ЧЕТ ЭЛ ВАЛЮТАСИДАГИ ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР МУОМАЛАСИ, РЕЗИДЕНТЛАР ТОМОНИДАН ЧЕТ ЭЛ ВАЛЮТАСИДАГИ ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАРНИ СОТИБ ОЛИНИШИ, ШУНИНГДЕК РЕЗИДЕНТЛАР ЧИҚАРГАН ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАРНИНГ НОРЕЗИДЕНТЛАР ТОМОНИДАН СОТИБ ОЛИНИШИ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА НИЗОМНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА»ГИ ҚАРОРГА ЎЗГАРТИРИШЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА*

***Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 2 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1692-1.***

*(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2009 йил, 6-сон, 60-модда)*

Ўзбекистон Республикасининг «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги Қонунига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил 29-30-сон, 278-модда) мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қиладилар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2007 йил 4 апрелдаги 2007-04, 290-В-сонли «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эл валютасидаги қимматли қоғозлар муомаласи, резидентлар томонидан чет эл валютасидаги қимматли қоғозларни сотиб олиниши, шунингдек резидентлар чиқарган қимматли қоғозларнинг норезидентлар томонидан сотиб олиниши тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига (2007 йил 22 июнь, рўйхат рақами 1692 — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил, 25-26-сон, 274-модда) иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киритилсин.

***Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази Бош директори К.ТОЛИПОВ.***
*2009-03-сон*

***Марказий банк раиси Ф.МУЛЛАЖОНОВ.***
*290-В-1-сон*

*Тошкент ш., 2009 йил 24 январь.*

***2009 йил 12 февралдан кучга киради.**

*Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази ва Марказий банк Бошқарувининг 2009 йил 24 январдаги 2009-03, 290-В-1-сон қарорига ИЛОВА*

## «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУДУДИДА ЧЕТ ЭЛ ВАЛЮТАСИДАГИ ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР МУОМАЛАСИ, РЕЗИДЕНТЛАР ТОМОНИДАН ЧЕТ ЭЛ ВАЛЮТАСИДАГИ ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАРНИ СОТИБ ОЛИНИШИ, ШУНИНГДЕК РЕЗИДЕНТЛАР ЧИҚАРГАН ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАРНИНГ НОРЕЗИДЕНТЛАР ТОМОНИДАН СОТИБ ОЛИНИШИ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА НИЗОМНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА»ГИ ҚАРОРГА КИРИТИЛАЁТГАН ЎЗГАРТИРИШЛАР

1. Қарорнинг муқаддимаси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикасининг «Валютани тартибга солиш тўғрисида» ва «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 27 сентябрдаги ПҚ–475-сонли «Қимматли қоғозлар бозорини янада ривожлантириш тўғрисида»ги қарори (Ўзбекистон Респуб-

ликаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 йил, 39-сон, 387-модда, 51-52-сон, 507-модда) ижросини таъминлаш мақсадида Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази ва Марказий банк Бошқаруви қарор қиладилар:».

2. Низомда:

а) муқаддима қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ушбу Низом Ўзбекистон Республикасининг «Валютани тартибга солиш тўғрисида», «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги қонунлари ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эл валютасидаги қимматли қоғозлар муомаласи, резидентлар томонидан чет эл валютасидаги қимматли қоғозларни сотиб олиниши, шунингдек резидентлар чиқарган қимматли қоғозларнинг норезидентлар томонидан сотиб олиниши тартибини белгилайди.

Мазкур Низом қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органида давлат рўйхатидан ўтказилган акция, облигация ва бошқа қимматли қоғозларга (бундан кейинги ўринларда — қимматли қоғозлар) нисбатан татбиқ этилади»;

б) 1-бандда:

иккинчи хатбошидаги «пул» сўзи чиқариб ташлансин;

учинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«ҳисоб-китоб-клиринг палатаси (кейинги ўринларда — ҲКП) — ўзаро мажбуриятларни (қимматли қоғозларга доир битимлар бўйича ахборотни тўплаш, солиштириш, тузатиш ва уларга доир ҳужжатларини тайёрлаш) аниқлаш ҳамда қимматли қоғозларни етказиб бериш ва улар юзасидан ҳисоб-китоблар бўйича ўзаро мажбуриятларни ҳисобга олиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи юридик шахс»;

тўртинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчиси — қимматли қоғозлар бозорида профессионал фаолиятни амалга оширувчи юридик шахс»;

в) 2-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Чет эл валютасидаги қимматли қоғозларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлаштириш ва уларнинг муомаласига, агар қонунда бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, улар давлат рўйхатидан ўтказилганидан кейингина йўл қўйилади»;

г) 5-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Чет эл валютасидаги қимматли қоғозларнинг чиқарилишини давлат рўйхатидан ўтказишда эмитент мазкур чиқарилишдаги қимматли қоғозлар номинал қийматининг 0,01 фоизи миқдорида республика бюджетига йиғим тўлайди.

Чет эл валютасидаги қимматли қоғозларнинг чиқарилишини давлат рўйхатига олишга доир ҳужжатларни кўриб чиқиш учун олинадиган йиғим эмитентлар томонидан энг кам иш ҳақининг беш баробари миқдорида тўланади».

д) 7-банддаги «накдсиз» сўзи «ҳужжатсиз» сўзи билан алмаштирилсин;

е) 12-бандининг иккинчи хатбошидаги «инвестицион институтда» сўзлари чиқариб ташлансин;

ж) 17-банддаги «инвестиция институти» сўзлари «қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчиси» сўзлари билан алмаштирилсин;

з) 20-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Норезидент томонидан акция кўринишида сотиб олинган давлат активлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда норезидентнинг депозитарийдаги депо ҳисобварағига ўтказилади»;

и) 36-банддаги «инвестиция институтлари томонидан» сўзлари «қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда» сўзлари билан алмаштирилсин;

к) 42-бандда «эмиссия рисоласида (чиқариш анкетасида)» сўзлари «чиқариш тўғрисидаги қарорида ва эмиссия рисоласида» сўзлари билан алмаштирилсин;

л) 44-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчилари ва савдо ташкилотчилари чет эл валютасидаги қимматли қоғозлар бўйича ўзлари амалга ошираётган барча операциялар ва битимлар ҳисобини юритадилар ва улар бўйича қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органига маълумотлар тақдим этадилар».

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

### ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ ҚЎМИТАЛАРИ ВА ИДОРАЛАРНИНГ НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРИНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2009 ЙИЛ 31 ЯНВАРДАН 6 ФЕВРАЛГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ

### I. ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИЛДИ:

1. «Инсонпарварлик ёрдами ҳамда техник кўмаклашиш воситалари олувчиларнинг ҳисобот шакллари ва уларни тўлдириш бўйича қоидаларни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банк Бошқаруви, Давлат статистика қўмитаси, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Давлат божхона қўмитасининг 2008 йил 24 декабрдаги 119, 307-В, 6, ЭГ-01/14-8052, 01-02/5-61-сонли қарори.*

***2009 йил 2 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1892 (2009 йил 12 февралдан кучга киради).***

2. «Ҳар йили ўтказиладиган Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар Республика ярмаркасида тузилган шартномалар ва келишув баённомаларининг амалга оширишмониторинги тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси, Иқтисодиёт вазирлигининг 2008 йил 29 декабрдаги 6, 62-сонли қарори.*

***2009 йил 2 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1893 (2009 йил 12 февралдан кучга киради).***

3. «Тижорат банклари томонидан қимматли қоғозлар билан ўтказиладиган операцияларга ва уларнинг бошқа корхоналар устав капиталида қатнашишига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2008 йил 27 декабрдаги 30/2-сонли қарори.*

***2009 йил 2 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1894 (2009 йил 12 февралдан кучга киради).***

4. «Хусусийлаштириш инвестиция фондларининг соф активларини баҳолаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитаси, Молия вазирлигининг 2009 йил 5 январдаги 01/23-18/17, 1-сонли қарори.*

***2009 йил 2 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 703-2 (2009 йил 12 февралдан кучга киради).***

5. «Инвестиция фондларининг соф активларини баҳолаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитаси, Молия вазирлигининг 2009 йил 5 январдаги 01/23-18/18, 2-сонли қарори.*

***2009 йил 2 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 840-2 (2009 йил 12 февралдан кучга киради).***

6. «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эл валютасидаги қимматли қоғозлар муомаласи, резидентлар томонидан чет эл валютасидаги қимматли қоғозларни сотиб

олиниши, шунингдек резидентлар чиқарган қимматли қоғозларнинг норезидентлар томонидан сотиб олиниши тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази, Марказий банк Бошқарувининг 2009 йил 24 январдаги 2009-03, 290-В-1-сонли қарори.*

***2009 йил 2 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1692-1 (2009 йил 12 февралдан кучга киради).***

7. «Қимматли қоғозлар бозорида профессионал фаолиятни бирга қўшиб олиб боришга доир чеклашлар ва бирга қўшиб олиб бориш тартиби, қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчиларининг мажбурий нормативлар тизими тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази бош директорининг 2009 йил 9 январдаги 2009-02-сонли буйруғи.*

***2009 йил 5 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1895 (2009 йил 15 февралдан кучга киради).***

8. «Хўжалик юритувчи субъектнинг 35 фоиздан ортиқ акциялари, улушларини олиш устидан назорат қилиш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг 2008 йил 29 декабрдаги 17-сонли қарори.*

***2009 йил 5 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1896 (2009 йил 15 февралдан кучга киради).***

9. «Хўжалик юритувчи субъектнинг 35 фоиздан ортиқ акцияларини сотиб олиш устидан назорат қилиш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси, Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш марказининг 2008 йил 29 декабрдаги 18, 2008-46-сонли қарори.*

***2009 йил 5 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1079-2 (2009 йил 15 февралдан кучга киради).***

10. «Хўжалик юритувчи субъектлар-экспортёрлар томонидан амортизацияни ўрнатилган меъёрдан камроқ ҳисоблаш тартиби тўғрисидаги Вақтинчалик низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2009 йил 28 январдаги 10, 63, 2009-2-сонли қарори.*

***2009 йил 5 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1897 (2009 йил 15 февралдан кучга киради).***

11. «Ота-оналар томонидан болаларнинг мусиқа ва санъат мактабларида ўқиши учун ҳақ тўлаш ва ундан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Молия вазирлигининг 2008 йил 31 декабрдаги 46, 121-сонли қарори.*

***2009 йил 5 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1898 (2009 йил 15 февралдан кучга киради).***

12. «Қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчисининг ички назорати тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази бош директорининг 2008 йил 29 ноябрдаги 2009-41-сонли буйруғи.*

***2009 йил 6 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1899 (2009 йил 16 февралдан кучга киради).***

13. «Мобиль алоқа хизматларини кўрсатиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида» *Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бош директорининг 2009 йил 4 январдаги 2-сонли буйруғи.*

***2009 йил 6 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1900 (2009 йил 16 февралдан кучга киради).***

## II. ДАВЛАТ РЕЕСТРИДАН ЧИҚАРИЛДИ:

1. Тижорат банклари томонидан қимматли қоғозлар билан операцияларни амалга оширишга доир талаблар тўғрисидаги низом, 1, 2, 3 ва 4-сонли ўзгартириш ва қўшимчалар. *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 571, 1998 йил 19 декабрь), (рўйхат рақами 571-1, 2003 йил 27 март), (рўйхат рақами 571-2, 2003 йил 10 декабрь), (рўйхат рақами 571-3, 2004 йил 16 сентябрь), (рўйхат рақами 571-4, 2005 йил 13 июнь).*

***Адлия вазирининг 2009 йил 2 февралдаги 22-мҳ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.***

2. Хўжалик юритувчи субъектнинг 35 фоиздан ортиқ акцияларини сотиб олиш устидан назорат қилиш тартиби тўғрисидаги йўриқнома, 1-сонли ўзгартириш ва қўшимчалар. *Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ва Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 1079, 2001 йил 6 ноябрь), (рўйхат рақами 1079-1, 2003 йил 29 август)*

***Адлия вазирининг 2009 йил 5 февралдаги 28-мҳ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.***

**Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартиришлар киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.**

## III. АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ТОМОНИДАН ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШНИНГ БЕЛГИЛАНГАН ТАРТИБИГА ЗИД РАВИШДА АМАЛ ҚИЛАЁТГАН НОРМАТИВ ҲУЖЖАТ АНИҚЛАНДИ:

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг 1996 йил 20 сентябрдаги 660-сонли буйруғи.

Давлат рўйхатидан ўтказилмаган меъёрий ҳужжатлар кучга кирмаган ҳужжат сифатида ҳуқуқий оқибатларга олиб келмайди ҳамда тегишли ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш, ундаги кўрсатмалар бажарилмаганлиги учун фуқаролар, мансабдор шахслар, корхона ва ташкилотларга бирор-бир жазо қўллаш учун асос бўлиб хизмат қилмайди.

**Юқорида кўрсатилган ҳужжат бўйича Адлия вазирлиги томонидан тегишли идорага ушбу ҳужжатни бекор қилиш ва ижродан чақириб олиш тўғрисида тақдимнома киритилди.**

***Маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Идоравий-меъёрий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш бошқармаси томонидан тайёрланди.***

***Саволлар ва таклифлар учун телефонлар: 233-38-67, 232-00-28.***

# БОЙИШНИ ИСТАСАНГ... ҚАШШОҚОНА ОДАТЛАРДАН ХАЛОС БЎЛ



***«Шунчалик ақлли экансан, нега бунчалар қашшоқсан?» – Ғарбда бу гап нақлга айланган ҳисоб. Бу гап замирида одам эришган ютуқларни унинг қурби, лаёқатига қараб баҳолаш жоиз эканлиги мужассам. Қилни қирқ ёрадиган психологлар шу йўналишда махсус тадқиқот ишлари олиб бориб, одамнинг бадавлат бўлишига тўсқинлик қиладиган ўнта одатни кўрсатишди.***

**1. Ўзига нисбатан ўкинч ҳисси.** Қашшоқликка кўникаётган одамлар ўкинч билан бадавлат бўлмаслик тақдиримизда ёзиғлиқ деб ўйлайдилар. Кимдир эркакларда имконият кўпроқ деган хаёлда аёл бўлиб туғилганига пушаймон бўлса, хушбичим кишиларга иш топиш осон деган ўй-хаёл билан ҳаддан ташқари тўлалигидан афсусланадиган-



лар ҳам учрайди. Бўй-басти, миллати, терисининг ранги, аждодларининг дини туфайли иши ўнгланмаётганлигидан нолиб юрадиганлар ҳам бор. Кимдир ҳанузгача уйланмаганлиги ёки турмушга чиқмаганлигидан куйинса, баъзилар ўз омадсизлигини қўлидаги никоҳ узугига ёки паспортидаги никоҳдан ажрашганлик ҳақидаги белгига йўяди. Ёш-яланглар ҳамма муаммо тажрибасизликда деб билсалар, ёши улуғлар йиллар ўз таъсирини ўтказмоқда деб надомат чекадилар. Анчайин гап, арзимас факт туфайли ўзини камситилган деб ҳисоблаб, кун бўйи ич-этини ейдиганлар чор-атрофдагиларда қандай таассурот қолдиради деб ўйлайсиз? Ўз-ўзига ачиниш, ўкиниш ўзига ишончсизликнинг бағоят оғир юкини зиммага олиш усули бўлиб, шахсий баркамоллик йўлида тўғаноқ бўлади ва бир умр қашшоқлик қаъридан чиқмаслигингизни таъминлайди. Ўз-ўзига ўкиниш пировард натижада кам ҳақ тўланадиган ишга ва ночор турмуш кечиришга элтувчи усул ҳисобланади.

**2. Очкўзлик.** Сийлов билан ёки арзон-гаров сотиладиган мол қидириш, шундай савдо қиладиган дўконларга тамға қўйиш, таълим олган кезлари ҳеч ким ёрдам қилмаганлигини важ-корсон қилиб, ўз фарзандлари яхши билимли бўлиши учун чўнтагидан ортиқча харжлашни истамаслик, фирмасидаги ходимларини кўпроқ ишлашга мажбурлаб, имкон қадар камроқ ҳақ тўлаш қонингизда қашшоқона иккинчи одат жўш ураётганлигининг энг ишончли белгиларидир. Ҳамма нарсада нуқул иқтисод қилиш ва тежашга интилиш оқиллик, донишлик белгиси эмас, балки даромадлар билан харажатлар мутаносиблиги бузилганлиги сабабли бу борадаги камчиликни тугатиш сари нотўғри йўл танлаб, харажатларни камайтиришга зўр бераётганлигингиздан далолатдир. Ҳолбуки, даромадларни кўпайтиришга астойдил киришиш керак эди. Пешонасига бой-бадавлат бўлиш битилган киши буюмларга уларнинг ҳақиқий қийматига яраша ҳақ тўлаши, ўз ёрдамчиларининг меҳнатини



сахийлик билан қадрлаши, бошқалардан ҳам шундай ҳаракат кутиши билан ажралиб туради. Шу йўл билан у ўз қадрини баланд тутади ҳам.

**3. Ёқтирмайдиган, хуш кўрмайдиган ишлар билан шуғулланиш.** Кимдир идиш-товоқ ювишни сира жини суймайди, аммо унга бу ишда кўмак бўладиган йўқ. Ит етаклаб, уни сайр қилдиришни хуш кўрмайдиганлар ҳам бор, аммо ит бебоғлов юриши учун жой ҳозирлашга эринадилар. Айтайлик, йил чораги юзасидан ҳисобот тузиш керак бўлганда Мавлуда Содиқованинг, таъбир жоиз бўлса, тепа сочи тикка бўлиб кетади, афсуски, фирмада бундай ҳисоботни ундан бошқа ҳеч ким тайёрлай олмайди. Лиза деганимиз аудиторнинг ишини ўлгудек ёмон кўради,



лекин ўтган йили ёзда машина харид этиш учун олган қарзидан айни аудиторлик иши шарофати билан қутулди. Шу ва шунга ўхшаш кишилар омадсизлик, қашшоқлик бўсағасига бориб қолишган. Ўзлари ёқтирмаган иш билан шуғулланиш зарурати келтириб чиқараётган ҳиссиёт улар шу бўсағадан ўтишига сабаб бўлса не тонг?! Бу одатдан халос бўлишнинг калити шуки, одам ўзи қаноат ҳосил қилиб, қизиқиш, мамнуният билан бажарадиган ишни қилиши керак. Шундай бўлгандагина натижалар кутилганидан ҳам аъло даражада бўлади.

**4. Ютуқни пул билан ўлчаш.** Камбағал одам фақат фалон миқдорда пулга эга бўлишгина қувонч келтиради деб қаттиқ ишонади. Банкдаги ҳисобварағида мўмайгина пул, эгнида энг янги русумдаги кийим-бош бўлиши, ҳашамдор уй-жой, дунё бўйлаб сайру саёҳат, эридан (ота-онасидан) тамомила мустақил бўлиш унга ўзини бахтиёр ҳис этиш имкониятини инъом этармиш. Лекин амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, бахт бунда эмас. Омади чопган одам бахтни доллар, рубль ёки юан билан эмас, балки бошқа мезонлар билан ўлчайди. Бу қандай мезон бўлишини эса ҳар ким ўзича ҳал этади.

**5. Чўнтак кўтарганидан ҳам кўпроқ пул харжлаш.** Кредит қоғозлари ва банкларнинг сермулозамат ходимлари сизни қарз ботқоғига осонгина тушириши ҳеч гап эмас. Зотан, яхши билан ёмоннинг фарқига бормасликнинг, бизнесни ривожлантириш учун олган фойдали кредит билан кўзни ўйнатадиган чет эл машинага ёки дабдабали дангиллама ҳовли-жойга эга бўлиш учун олинган, охири мубҳам қарз ўртасидаги фарқни билмасликнинг охири вой!

**6. Дарҳол фойда келишини кўзлаш.** Қашшоқлик измидан чиқа олмайдиган кишиларнинг ҳаммаси дарҳол ва яхшигина фойда олиш иштиёқида ёнади. Улар обрўли компанияга ўртамиёна маош тўланадиган ишга жойлашар эканлар, бир ойдан кейин олишни чамалаётган маошларига нисбатан кўпроқ ҳақни бир неча йилдан кейингина олиш мумкинлигини англаб етиш ва тушунишга қодир эмас. Омадсизлик сўқмоғида айланишиб қолган талабаларгина мўмайгина даромад қилиш мумкин бўлган вақт институтда ўқишим асносида хайф кетди деб ҳисоблаб юрадилар.

**7. Уззу-кун нолиб юриш.** Ҳаёт оғирми, унинг синовларига чидаш қийинми, ҳамма ёқда камситиш, коррупция, юзсизлик, беорлик, жиноий қилмиш қулоч ёзиб, рисоладагидек ҳаёт кечиришингизга, муваффақиятга эришишингизга йўл қўймаяптими? Омадсизлик тўрига тушган одам борки, ана шу гапларни айтиб, нолиб қўйиши турган гап. Бундай одатдан қутулишнинг йўли бор. Ташқи муҳит иллатларига қарши курашиш имкониятини изланг, ўзингиз учун аввалбошданоқ фойдали бўлмаган вазиятдан ғолиб бўлиб чиқишга одатланинг.

**8. Ҳар нарсада ўзини бошқалар билан қиёслайвериш.** Анвар саккизинчи синфни аъло баҳо билан битирган бирдан-бир ўқувчи эканлиги сабабли ҳам ўзини синфдошларидан яхшироқ деб билади. Валижон ёзги таътил даврида тайинли иш билан машғул бўлмагани учун ҳам ўзини дўстларимдан ёмонроқман деб ишонади. Куни кеча «Лексус»ли бўлган Рашид оддийгина машинаси ҳам бўлмаган укасига паст назар билан қарайди. Атрофидан йигитлар аримайдиган дугонасини ғайирлиги келганидан Ленура бўғишга тайёр. Уларнинг ҳаммасида муваффақиятсизликнинг саккизинчи одати – бўлар-бўлмасга ўзини бошқалар билан қиёслайвериш одати жуда ривож топган. Бу одат аслида керакми, ташқи дунё ички дунё устидан назоратни тамомила эгаллаб олишига йўл қўйиш ўринлими – ўйлаб кўриш керак.

**9. Бойликни пул билан ўлчаш.** Чинакам бадавлат кишилар бахт билан пул деганлари ўртасидаги риштани батамом узибгина қолмай, ҳисобварақдаги миқдор билан бойлик тушунчаси ўртасидаги тенглик аломатини ҳам йўқ қиладилар. Бинобарин, ҳақиқий бойлик пулни жалб эта билиш, йўқ ердан пул топиш, бизнеснинг янгидан-янги турларини ташкил этиб шуни дўндира билиш маҳоратидир. Шундай бўлган тақдирдагина солиқ ва прокуратура органларидан чўчимайсиз, ўғрилик, талон-тарожга учрашдан қўрқмайсиз. Омадни ҳақиқатда жиловлаб олган кишидагина ютуқ унинг қазноғидаги бойлиги ҳажмига боғлиқ бўлмайди.

**10. Ўз оиласида ҳам ўзини яккалаш.** Ўз оиласида ўзини холи этган, яккаланиб олган, одамови кимсалардан беназир омадсизлар келиб чиқади. Зеро, оғир дақиқаларда оила аъзолари унга паноҳ, мададкор бўлишдан, пул қарз бериб туришдан, аҳволига тушуниб, ёрдам қўлини чўзишдан қочади. Бундай қусурга чалинган кишилар бир-бирига орқа қилишнинг ажойиб сарчашмаси оила эканлигини билмайди, тушунмайди ҳам. Ҳеч қандай нажот йўли қолмаганда оила жонга оро кириши туйғуси уларга тамомила ёт. Умид эшиклари ҳамма ерда тақа-тақ ёпилган тақдирда ҳам яқинларнинг меҳри йиқилган одамни оёққа туриб олишига ёрдам бериши мумкин. Ҳаёт ҳақиқати ҳам аслида шу. N

*ҲАЗИЛ ЎРНИДА*

## 10 МИНУТУ 43 СЕКУНДДА ТАМОМЛАНГАН ТЕКШИРУВ

**Пул вазирлиги 2018 йил 21 декабрда навбатдаги, ҳисоб бўйича 26-лойиҳани маъқуллади. Бу лойиҳа солиқ текширувларидан бошқа барча текширувлар концепциясини тубдан ўзгартирди.** Амалдорлар назорат қилувчи барча хизматларнинг ишини имкон қадар соддалаштириш пайтида. Мухбиримизга вазирликдан хабар қилишларича, компанияларни бундан буён ҳайратомуз даражада қисқа муддат – 10 минуту 43 секундда тезкор текширувдан ўтказиш имконияти юзага келмоқда.

Бунинг учун текширилаётган ташкилот текширув учун сўралган ҳужжатларни электрон талабнома олинган пайтдан эътиборан беш минут ичида телекоммуникация алоқа воситалари ёрдамида етказиб бериши зарур. Компанияларни текшириш ягона электрон тизими олинган маълумотларни таҳлил қилиб чиққанидан кейин текширувчиларга далолатнома тузиб, қарор чиқариш учун роппа-роса бир минут вақт қолади. Бу иш ақалли бир секунд кечикиб бажарилса ҳам назорат қилувчилар умуман текширув ўтказиш ҳуқуқидан маҳрум бўладилар.

Назорат тадбири учун кетган вақтни пул вазирининг хонасида ўрнатилган секунд ўлчагич қайд этиб боради. Бироқ барча компаниялар ҳам айни шу тарздаги тезкор текширувдан ўта оладилар деб бўлмайди. Кейинги уч йил мобайнида солиқ борасида узоғи билан икки марта жавобгарликка жалб этилган компаниялargина шундай текширувга лойиқ деб ҳисобланади. Яна бир шарти – текширилаётган компаниянинг раҳбари ва бош бухгалтери номига доғ тушганларга оид, Федерал назорат агентлиги томонидан шакллантириладиган рўйхатда бўлмаслиги керак. Корхоналарнинг мансабдор шахсларини бундай рўйхатга киритиш мезонларини назоратчилар ҳозирча сир тутмоқдалар.

## УЯЛИ ТЕЛЕФОН ВА СОЛИҚ ИШИ

**Федерал назорат агентлиги солиқ тўловчиларга кўрсатиладиган хизматлар рўйхатини кенгайтирди.** 2018 йил 1 декабрдан эътиборан компаниялар учун инспекциядаги шахсий ҳисобварақ ҳолатини билиш имконияти туғилади, бунинг учун 0666 рақамига ташкилотнинг номи ва солиқ тўловчининг идентификация рақамини юбориш керак. Овозли портал орқали компаниянинг қарзи ёки ортиқча тўлов тўлаганлигига оид барча хабарлар маълум қилинади. Автомат-операторнинг овозидан ҳар ким ўзининг қанчалик инсофли эканлиги ҳақида хулоса чиқариб олиши мумкин. Инсофли солиқ тўловчига ёқимли аёл овози билан жавоб берилади, ашаддий қоидабузарга эса йўғон эркакча овоз билан жавоб берадилар. Боқимандалик аниқланган тақдирда компания SMS хабар юбориб, мобил ҳисобварағидан пул маблағларини кўчириб ўтказиш хусусида топшириқ бериши мумкин.

Корхона ана шу янги хизматдан фойдаланиш учун раҳбарнинг мобил телефони рақамини Федерал назорат агентлиги бўлинмасида рўйхатдан ўтказиши, шунингдек Федерал мобил солиқ тизимида махсус ҳисобварақ очиши керак. Бунда компания ана шу ҳисобварақдаги маблағ ўтган солиқ даврида бюджетга ўзи ўтказган маблағлардан икки ҳисса кўп бўлиши кераклигини кузатиб бормоғи зарур.

## МОЛ-МУЛК УЧУН ЯНГИ МЕЗОН

**Солиқ кодексига киритилган, компанияларнинг асосий воситалари бўйича амортизацияни ҳисоблаб чиқаришга тааллуқли ўзгартиш 2019 йил 1 мартдан эътиборан кучга киради.** Энг аввало, мол-мулкни амортизация ҳисоблаб чиқарилиши жоиз деб топиш принципи ўзгармоқда. Чунончи, объектнинг фойдали тарзда ишлатиш муддати Мол-мулк қўмитасида аниқланади. Ҳар бир асосий восита компания балансига олинганда айни бир вақтда худди шу Қўмитада ҳисобга қўйилиши керак. Корхона асосий восита билан боғлиқ барча ўзгаришлар (уларни модернизация, реконструкция қилиш, жорий таъмирлаш ва шу сингарилар) ҳақида ҳар йили Қўмитага ҳисоб бериб бориши шарт. Шунингдек, янги бир қоида жорий этилди, унга кўра компания асосий фондларининг умумий қиймати тегишли тармоқ бўйича ўртача даражадан ошмаслиги керак.

***Матбуот келгусида чоп этадиган материаллардан фойдаланилди.***

Бюджет ташкилотларининг бухгалтерия ҳисобини автоматлаштириш бўйича янги тизим
TS_БУХГАЛТЕРИЯ - БЮДЖЕТ
Комплекс бухгалтерия + иш ҳақи
Ҳисобни бюджет ва махсус ҳисобварақлар бўйича юритиш
285-шакл - айланмалар қайдномаси;
292-шакл - жорий ҳисобвараклар ва ҳисоб-китоблар дафтари;
294-шакл - касса ва ҳақиқий харажатлар дафтари;
296-шакл - товар-моддий бойликларнинг сони ва миқдори ҳисобини юритиш дафтари;
308-шакл - бош журнал дафтарини, шунингдек ОХ-1, ОХ-2, РЖ-2 ҳисоб-китобларни чоп этишни автоматик тайёрлайди.

Хўжалик ҳисобидаги корхоналарнинг бухгалтерия ҳисобини автоматлаштириш бўйича комплекс дастур
TS_БУХГАЛТЕРИЯ
Комплекс бухгалтерия + иш ҳақи
Ишлаб чиқариш
Савдо
Хизматлар
Ташкилий техника ва компьютерларга хизмат кўрсатиш, картрижларни тўлдириш
Тел./факс (371) 246-91-90
"TETRASOFT" ИИЧФ
Тел.: 127-29-00, 301-51-64
E-mail: tetrasoft@sarkor.uz

1С Предприятие 8.1
Ўзбекистон учун бир ечимда
1С франчайзи Bekas Plus
ДОРИ-ДАРМОНЛАР БИЛАН УЛГУРЖИ САВДО УЧУН ДАСТУР
Бух. ҳисоби + иш ҳақи
+ ишлаб чиқариш
+ савдо + хизматлар
= 1С Предприятие 8.1
Манзил: Тошкент ш., Паркент кўч., 131
Тел.: 269-33-17, 108-59-63, 328-67-55

1С:ФРАНЧАЙЗИНГ FILOSOFTIKA
"1С:Предприятие 8" платформасида корхоналарни комплекс автоматлаштириш
- Ўзбекистон учун намунавий конфигурациялар:
  - 1С:Бухгалтерия 8
  - 1С:Иш ҳақи ва Ходимларни бошқариш 8
  - 1С:Савдони бошқариш 8
  - 1С:Ишлаб чиқариш корхонасини бошқариш 8
- Татбиқ этувчи лойиҳаларни малакали бошқариш
- Маслаҳатлар ва фойдаланувчиларни ўқитиш
- Якка тартибда ёндашув
- Сертификатланган мутахассислар
Тошкент ш., Навоий кўч., 18, 406-408-хона (Ёш томошабинлар театри рўпарасида) info@filosoftika.uz www.filosoftika.uz
Қуйидаги телефонлар орқали бепул тақдимот маросимига буюртма беринг: (+998 71) 120-14-00 241-72-00, 241-73-00
1С:ПРЕДПРИЯТИЕ 8

1С:ПРЕДПРИЯТИЕ
Базавий версиялар
Стандарт ва малака версиялари
Тармоқ версиялар
SQL учун версиялар
- Корхоналар фаолиятини автоматлаштириш
- 1С фирмаси дастурларини етказиб бериш
- Намунали конфигурацияларни жорий этиш
- Ихтисослаштирилган конфигурацияларни ишлаб чиқиш
- Ўрнатиш, ўқитиш, жойга бориш
- Бухгалтерия
- Иш ҳақи ва кадрлар
- Савдо ва омбор
- Молиявий режалаштириш
- Солиқлар ва ҳисоботлар
- Ишлаб чиқариш ва хизматлар
1С:ФРАНЧАЙЗИНГ «UniSOFT»
Амалий дастурий таъминот бўйича мажмуавий хизмат кўрсатиш
254-18-70, 273-95-95, 273-30-18, 186-30-18
Манзил: Тошкент ш., Қатортол кўч., 60, 705-хона

## • РЎЙХАТЛАР

**Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2009 йил 6 февралдаги ажримларига асосан Собир Раҳимов туманидаги соддалаштирилган тартибда банкрот деб иш юритиш ва кузатув жараёни бошланган корхоналар РЎЙХАТИ**

| Корхона номи | Ажрим рақами |
|---|---|
| "SANATA-TREDING" ХФ | 10-0905/1914 |
| "Elektromash-Komplekt" МЧЖ | 10-0905/1916 |
| "Osiyo-Fayz Bunyodkor" МЧЖ | 10-0505/1915 |

Мазкур корхоналар бўйича муваққат бошқарувчи этиб Собир Раҳимов туман ДСИ ходими С.Саидахмедов тайинланган. Кредиторларнинг 1-йиғилиши 2009 йил 27 февраль соат 14.00 да Тошкент ш., Қорасарой кўчаси, 269-уй, Собир Раҳимов туман ДСИ биноси, 111-хонада ўтказилади. Соддалаштирилган тартибда банкротлик иши 2009 йил 3 март соат 10.00 да Тошкент шаҳар хўжалик суди биносининг 2-қаватдаги 3-суд залида бўлади.

***

Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2009 йил 13 февралдаги 10-0914/948-сонли ажримига асосан Юнусобод туманидаги "Everest Star" МЧЖни банкрот деб эълон қилиш учун иш очилган. Суд муҳокамаси 2009 йил 4 апрель соат 15.00 да Тошкент шаҳар хўжалик судининг 1-залида бўлиб ўтади. Кредиторларнинг 1-йиғилиши 2009 йил 11 март соат 15.00 да Тошкент ш., А.Темур кўчаси, 95-уй, Юнусобод туман ДСИ биносида ўтказилади. Корхонага нисбатан талаб ва таклифлар Тошкент ш., А.Темур кўчаси, 95-уй, Юнусобод туман ДСИ биноси, 2-қават, 7-хонада қабул қилинади. Тел. 235-89-63.

Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2009 йил 13 февралдаги 10-0912/1857(19)-сонли ажримига асосан Шайхонтоҳур туманидаги "Baht Orzu Qurilish" МЧЖ ҳамда 10-0912/1858(19)-сонли ажримига асосан "Avialux Plus" МЧЖни банкрот деб эътироф этишга оид иш юритилиб, кузатув жараёни бошланди. Кредиторларнинг 1-йиғилиши 2009 йил 10 март соат 10.00 да Тошкент ш., А.Навоий кўчаси, 7а-уй, 307-хонада ўтказилади ва кузатув ишлари ушбу манзилда давом этади. Банкротлик иши 2009 йил 27 март соат 10.00 да Тошкент шаҳар хўжалик суди биносининг 4-сонли суд мажлиси залида кўрилади.

***

***Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2009 йил 3 февралдаги қарорларига асосан Собир Раҳимов туманидаги тугатилаётган корхоналар РЎЙХАТИ**

| Корхона номи | СТИР | Раҳбар исм-шарифи | Манзили | Қарор рақами |
|---|---|---|---|---|
| «BIZNES PLANETA» МЧЖ | 300825855 | Д.Арслонов | Қорақамиш 1/2, 4б-22 | 10-00904/377-т |
| «HIMOYA MED ELITE» МЧЖ | 206936526 | В.Маҳкамова | Зангиота тум., Гулшан кўч., 18 | 10-00904/378-т |
| «JANGOVAR» ХФ | 200656942 | Р.Махмудов | Шифокор ш., Терновский кўч., 2 | 10-00904/379-т |
| «SAMANDAR-TOY» ХК | 205757741 | Ж.Махмудов | Зайқайнар, т-18, 130 | 10-00904/380-т |
| «ELEKTROXOZ KABEL SAVDO» ХК | 300771687 | В.Чижов | Обсерваторская кўч., 23/25 | 10-00904/381-т |
| «ZOHID-BIZNES» ХК | 206662987 | А.Зохидов | Беруний, Б-3, Блок-В, 138 | 10-00904/382-т |
| «FAZO OSHIB» МЧЖ | 300820696 | М.Холмирзаев | Тансиқбоев-2, 10-112 | 10-00904/383-т |
| «SAPFIR PROM» ХК | 206763609 | Н.Зияев | Фаробий кўч., пр.Хуррият, 68 | 10-00904/384-т |
| «GRAND RUS SERVIS» МЧЖ | 300584832 | Д.Русинов | Уста Ширин кўч., 136 | 10-00904/385-т |
| «O'LMAS MUZAFFAR» ХК | 206744891 | О.Музафарова | Лангар кўч., 73 | 10-00909/509-т |
| «KONGLOMERAT KONSALT SERVIS» МЧЖ | 300841425 | В.Усмонова | Чилонзор-И-24, 6-13 | 10-00909/510-т |
| «3-IXTISOSLASHTIRILGAN MONTAJ» ШХЖ | 203674389 | Д.Комилов | Зиямов кўч., 9 | 10-00909/511-т |
| «JOVDILKOM-STORY-SERVIS» ХК | 300398106 | Д.Хайтметов | Файзибаланд 1-т, 26а | 10-00909/512-т |
| «ALIMARDAN-BIZNES» ХК | 300585371 | Х.Мирзахмедов | Зарқайнар кўч., 8 | 10-00909/513-т |

Мазкур корхоналарнинг думалоқ муҳр ва бурчак тамғалари ҳамда бирламчи таъсис ҳужжатлари ва давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳномалари бекор қилинади. Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой давомида Собир Раҳимов тумани ҳокимияти махсус комиссияси томонидан қабул қилинади. 2 ой мобайнида даъво билан туман махсус тугатиш комиссиясига мурожаат қилинмаган ҳолда корхоналар белгиланган тартибда давлат реестридан чиқарилади. Тел.: 227-15-73, 228-68-90, 228-07-54.

***

***Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2009 йил 4 февралдаги ҳал қилув қарорларига асосан Учтепа туманидаги тугатилаётган корхоналар РЎЙХАТИ**

| Корхона номи | СТИР | Рўйхатга олинган рақами ва санаси | | Қарор рақами | Юридик манзили |
|---|---|---|---|---|---|
| «ALIBIYA AR» | 201957772 | 1290 | 10.09.99 | 10-0906/555 | Чилонзор-21, Фарҳод кўч. |
| «TEMIR LOCHIN» | 203682355 | 982 | 30.09.01 | 10-0906/554 | Маҳорат кўч., 34 |
| «GISTEXNOKADASTR» | 204146728 | 781 | 27.08.02 | 10-0906/553 | Чилонзор 12-4б-84 |
| «KO'ZGU BIZNES SERVIS» | 204981419 | 000190-01 | 31.03.04 | 10-0906/558 | Рахимбобоева кўч., 4а |
| «MUXAYO FAYZ» | 205279015 | 000429-01 | 23.11.04 | 10-0906/564 | Назарбек 1-тор кўч., 48а |
| «BONRI AQUA» | 205789489 | 000744-01 | 19.08.05 | 10-0906/563 | Улуғбек кўч., 18 |
| «NAFTA TOSHKENT» | 205789472 | 000743-01 | 19.08.05 | 10-0906/560 | Лутфий кўч., 56 |
| «SUHAS SAVDO» | 205877252 | 000823-01 | 22.11.05 | 10-0906/550 | Чилонзор 24-45-25 |
| «SANYAN SERVIS PLYUS» | 205918406 | 000869-01 | 21.12.05 | 10-0906/556 | Чилонзор 24-28-33 |
| «NURONIY UCHTEPA» | 206088649 | 000923-01 | 10.02.06 | 10-0906/562 | Фарҳод кўч., 21 |
| «TIME PRO BIZNES» | 206417751 | 000999-01 | 14.04.06 | 10-0906/561 | Чилонзор 23-59-51 |
| «HORGOS TASHKENT» | 206595990 | 001060-01 | 26.05.06 | 10-0906/565 | Чилонзор 30-38-53 |
| «ETTI YULDUZ FAYZ BARAKA» | 206601832 | 001063-01 | 30.05.06 | 10-0906/548 | Чилонзор 13-14-26 |
| «VILENA PLYUS» | 300005768 | 001221-01 | 18.09.06 | 10-0906/552 | Чилонзор 15-4-13 |
| «SOG'LOM OILA BARHAYOT» | 300112674 | 001340-01 | 31.12.06 | 10-0906/566 | Замахшарий 1-тор кўч., 12 |
| «AMIR AHMAD» | 300476246 | 001639-01 | 05.06.07 | 10-0906/549 | Дурбек 1-тор кўч., 2 |
| «YULDUZ FARM SHIFO» | 300750214 | 002050-01 | 06.03.08 | 10-0906/551 | Орифжонов кўч., 7 |

Мазкур корхоналарнинг тўртбурчакли тамға ва думалоқ муҳрлари ҳақиқий эмас деб ҳисоблансин. Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой давомида Учтепа тумани Ҳокимияти биноси, 3-қават, 4-хонада қабул қилинади.

**«POYTAXT AUKSION» давлат унитар корхонаси 2009 йилнинг 31 март ва 3,7,10 апрель кунлари аукцион савдоларини ўтказади.**

Савдоларга Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, Ф.Хўжаев кўчаси, 2А-уй манзилида жойлашган банкрот деб эътироф этилган «4-SON QURILISH TRESTI» ОАЖга қарашли маъмурий бино, омборхоналар ва иншоотлар қўйилади. Блок «1»-Маъмурий бино, Блок «2»-Шийпон, Блок «3»-Омборхона, Блок «4»-Арматура цехи, Блок «1-1»-Маъмурий бино, Блок «5»-Цемент омбори, Блок «5-5»-Цемент омбори, Блок «6»-Шийпон, Блок «7»-Лаборатория, Блок «8»-Қоровулхона, Блок «9»-Шийпон, Блок «10»-Арматура устахонаси, Блок «11»-Омборхона, «БРУ»дан ташкил топган объектлар жамламаси умумий майдони 9 504 кв. м бўлган ер участкасида жойлашган. Объектнинг бошланғич баҳоси – 1 155 000 000 сўм.

Ушбу мулкларни тугатиш бошқарувчиси иштирокида бевосита жойига чиқиб кўриш мумкин.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун аризалар ўрнатилган тартибда тақдим этилади. Аризаларни қабул қилиш савдодан бир соат аввал тўхтатилади. Савдолар соат 12.00 да бошланади.

Савдода қатнашиш истагини билдирган талабгорлар объектнинг бошланғич нархидан 10% миқдорида закалат пулини «POYTAXT AUKSION» ДУК АТИБ «Ипотека-банки» Шайхонтоҳур филиалидаги ФА: 00425, СТИР: 204399967, 20210000004243151002 ҳисобрақамига тўлайдилар.

**Савдолар Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳкўчаси, 16«а»-уйда ўтказилади. Маълумот учун телефонлар: 233-23-49, 233-23-40.**

**Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2009 йил 13 февралдаги ажримларига асосан Собир Раҳимов туманидаги умумий ва соддалаштирилган тартибда банкрот деб иш юритиш ва кузатув жараёни бошланган корхоналар РЎЙХАТИ**

| Корхона номи | Ажрим рақами |
|---|---|
| "Nurli Binokor Savdo" MCHJ | 10-0920/.2069 |
| "Tashsott'mirqurilish" MCHJ | 10-0509/2299. |
| "SHosh-Energo" MCHJ | 10-0909/2298. |

Мазкур корхоналар бўйича муваққат бошқарувчи этиб Собир Раҳимов туман ДСИ ходими С.Саидахмедов тайинланган. Кредиторларнинг 1-йиғилиши 2009 йил 3 март соат 14.00 да Тошкент ш., Қорасарой кўчаси, 269-уй, туман ДСИ биноси, 111-хонада бўлади. Соддалаштирилган тартибда банкротлик иши 2009 йил 27 март соат 10.00 да Тошкент шаҳар хўжалик суди биносининг 2-қаватидаги 3-суд залида бўлади.

***

Тошкент вилояти хўжалик судининг 2009 йил 26 январдаги 11-0806/23985(19)-сонли ҳал қилув қарорига асосан Ўртачирчиқ туманидаги "AGROMERIDIAN" илмий техникавий ишлаб чиқариш жорий қилиш хусусий корхонаси банкрот деб эътироф этилган ва тугатишга доир иш бошланган. Тугатиш бошқарувчиси этиб Ўртачирчиқ туман ДСИ ходими И.Игамбердиев тайинланган. Мазкур корхонанинг белгиланган тартибга кўра топширилмаган думалоқ муҳр ва бурчак штампи бекор қилинади. Кредиторлар талаблари ушбу эълон чоп этилган кундан бошлаб 1 ой ичида қуйидаги манзил бўйича қабул қилинади: Тошкент вилояти, Ўртачирчиқ тумани, Тўйтепа шаҳри, Тошкент йўли кўчаси, Ўртачирчиқ туман ДСИ биноси, 1-қават, 19-хона.

